

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги**

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти

“Касбий – Педагогик Таълим” факультети

“Педагогика ва психология” кафедраси

**ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ ЗЎРИҚИШ ЖАРАЁНИНИ
ТАШХИСЛАШ ВА КУЗАТИШ**

Битирув малакавий иши

Бажарди: “Касбий-таълим” йўналиши битирувчиси
4 курс талабаси ЗОКИРОВА Г.
Илмий раҳбар: Эльчиева Д.
Кафедра мудири: п.ф.н. доцент З.Ҳ.Қосимова

Мазкур битирув малакавий иши кафедранинг
“ _____ ” _____ 2012 йилдаги _____
сонли йиғилишида муҳокамадан ўтиб ҳимояга
тавсия этилган.

Тошкент - 2012

Педагогларда касбий зўриқиш жараёнини ташхислаш ва кузатиш

Режа:

Кириш

I. боб. Педагогларда касбий зўриқиш жараёнини ташхислашнинг назарий асослари.

1.1 § Ўқитувчининг жамиятдаги ўрни ва педагогик-психологик
тўсиқлар.

1.2 § Педагогик фаолиятда камчиликлар ва ютуқларнинг руҳиятга
таъсири.

II. боб. Касбий зўриқиш жараёнини кузатишнинг амалий методологик асослари.

2.1 § Касбий саломатликнинг касб танлашга боғлиқлиги.

2.2 § Тўғри ва самарали иш жараёнини яратиш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Иловалар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. “Агар дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мурабийликдир”¹ Инсон дунёга келар экан, у доим изланишда, интилишда, меҳнатда тобланиб боради. Доимий ҳаракат эса уни буюклик сари яқинлаштириб бораверади. Инсонни шахс бўлиб шаклланишида устоз-мураббийларнинг ўрни беқиёсдир.

Шахс тарбиясида педагогларнинг, ўқитувчиларнинг ўрни катта эканлиги маънавий меросимиз дурдоналари бўлмиш Кайковус, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний асарларида марказий ўринни эгаллайди. Улар болани тўғри тарбиялаш, унинг шахсини шакллантиришда ўқитувчи меҳнатининг ўрни, унинг масъулияти масаласида қимматли фикрлар қолдирганлар.

Алломаларимиздан бири Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” асарида шундай деб ёзади: “Билим – бу инсонийликнинг пойдевори, унинг негизида ахлоқан мукамал шахс шаклланади”². Унинг фикрича, жамиятдаги нолойиқ ишларнинг сабаби билимсизлик ва саводсизликдир.

Алишер Навоий ёшларга чуқур билим беришда муаллиму мудоррислар ҳамда устозу-мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради. У нодон, мутаасиб, жоҳил домлаларни танқид этади ва ўқитувчи ўқитиш йўллари билладиган муаллим бўлиши зарур, дейди. “Махбуб ул-қулуб” асарида мактабдорлар ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ўта қаттиққўл, жоҳил ва таъмагирликларини қоралаш билан бирга, ўқитувчи меҳнатининг оғирлиги, мураббийлик ҳаққини ҳолисона баҳолайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Педагогика фани ва унинг тарихини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, таълим-тарбиянинг жамият пайдо бўлиши билан шаклланишига ишонч ҳосил қиламиз. Таълим-тарбиянинг мақсади, инсонни ҳар томонлама етук қилиб шакллантиришдир.

¹ “Мактаб ва ҳаёт” журнали. 2010. 4-сон 18-6.

² Қосимова З. Педагогик маҳорат асослари. – Т., 2009. – 95 Б. 17-б.

Педагогларнинг фаолияти мураккаб жараён бўлиб, улардан масъулиятлилик талаб қилинади. Иш жараёнида ютуқлар билан биргаликда камчиликлар, муаммолар учраб туради. Шунинг натижасида зўриқиш, турли касалликлар ҳам келиб чиқади. Бу борада бир неча педагог олимлар изланишлар олиб бориб, ўзларининг илмий асарларини ёзганлар. Масалан, Зиёмуҳаммадов Бўрининг ўқув қўлланмасида педагогик фаолият, маҳорат, технология ҳақида батафсил баён этилган. Бу китобдан хулоса қилиш мумкинки, педагогик маҳоратга эга бўлмаган киши баъзи касалликларга дуч келади. Ҳамда педагогик фаолият ҳақида Мунавваров А., Баженова И., Қосимова З., Каримова В., Ғозиев Э., Иванов П., Зуфарова И. психологик муаммолар ҳақида қўлланмаларида тўлиқ маълумот келтириб ўтганлар.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Педагогларда касбий зўриқиш жараёнини ташҳислаш ва кузатишнинг мазмуни, шакл ва методларини, педагогик шарт-шароитларини атрофлича таҳлил қилиш ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Вазифалари. Педагогларда зўриқиш жараёнларини камайтириш мақсадида ишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Педагогик фаолиятда муаммоларни оптимистик ёндашув билан ҳал этиш.
2. Педагогик маҳорат ва қобилиятга эга бўлиш ва уни тарғиб этиш.
3. Иш фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш.
4. Касалликлар, зўриқиш жараёнларини олдини олиш.

Тадқиқотнинг объекти, предмети: Педагогларда касбий зўриқиш жараёнини ташҳислаш ва кузатишнинг объекти талабларидан келиб чиққан ҳолда вазифаларни ишлаб чиқишда зарурий шартлар ҳамда чекланишлар белгиланишига, мақсад ва вазифаларига мос равишда танланишга асосланди. Тадқиқот объекти мактаб, предмети эса зўриқишни олдини олишда қўлланиладиган методлар.

Тадқиқот методлари: битирув малакавий ишини ёритишда қуйидаги методлардан фойдаланилди:

1. Анкета – сўровнома усули.

2. Кузатув усули.
3. Сухбат.
4. Мактаб хужжатларини таҳлил қилиш усули.

Ушбу методлар ёрдамида аниқ хулосалар чиқарилди.

Тадқиқотнинг методологик манбалари: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Мазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Мунавваров А. – “Педагогика”, Баженова И. – “Педагогик изланиш”, Зиёмуҳаммадов Б. – “Педагогик маҳорат асослари”, Қосимова З. – “Педагогик маҳорат асослари”, “Педагогика” – ўқув қўлланма, Юсупов Э. – “Маънавият асослари”, Ғозиев Э. – “Психология” ўқув қўлланмаларидан ҳамда таълим-тарбия, педагогик фаолиятга оид журналлардан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги: Тадқиқот объекти сифатида белгиланиши, назарий қоидалар ишлаб чиқилиши, муаммонинг мазмуни ўзаро яхлитликда лойиҳаланиши ҳамда вазифаларнинг мақсади амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши: 2 боб, 4 та параграф ва хулоса ва тавсиялар, иловалар, слайд ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. Педагогларда касбий зўриқиш жараёнини ташхислашнинг назарий асослари

1.1. Ўқитувчининг жамиятдаги ўрни ва педагогик-психологик тўсиқлар

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқимиз урф-одатларни ўрганиш, тарғиб қилиш, ўзлигини англаш имкониятига эга бўлади. Бу воқеадан сўнг Ватан йўлида ўз жонини ҳам аямайдиган ёшларни тарбиялаш вазифаси кўндаланг кўйилди. Бу вазифа Олий таълим концепциясидан алоҳида таъкидланади. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим концепциясида ўқитувчи – мутахассис олдида турган вазифалар қуйидагича белгиланади: “Мутахассис малакаси – чуқур умумий билим, кенг дунёқараш ва касб тайёргарлиги, компьютер саводхонлиги, ўз билимини тезлик билан янгилаш ва тўлдира олиш қобилияти сингари омиллардан ташкил топади... Шулар қаторида унинг интизоми, масъулияти, зиёилик, ўз ишига, мамлакати мустақиллигига, Ватан ва жаҳон тараққиёти йўлида эзгулик ва адолатга садоқат туйғуларини ҳам тарбиялаш зарур”.

Ҳозирги замон педагогика фани олдида турган муҳим муаммолардан бири – ўқитувчи ва педагогик, меҳнат шароити муаммоси ҳисобланади.

Ўқитувчининг мураккаб фаолияти замирида ёш авлодни одобли, ахлоқли қилиб тарбиялаш, уларни билимлар билан қуроллантириш каби муҳим вазифалар ётади. Зеро, мактабга илк бор қадам қўйган бола дунёнинг ҳаётнинг қонун ва қоидаларни, сир-асрорларни ўқитувчидан ўрганади. Ўқитувчи эса болага ўз билганини ўргатади. Агар болани чуқур билимли, эътиқодли, маданиятли қилиб тарбияламоқчи бўлсак, шу фазилатлар ўқитувчида мужассамланган бўлмоғи зарур. Шундай экан, ўқитувчи, умуман бошланғич синф ўқитувчиси қандай фазилатларга эга бўлиши керак, деган савол туғилади. Бу саволга жавоб беришдан олдин ўқитувчининг ҳозирги кунда жамиятимизда тутган ўрни ҳақида баён қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан, 1 октябр “ўқитувчилар ва мураббийлар куни” деб эълон қилинди. Бу воқеа

давлатимизда ўқитувчиларнинг жамиятда тутган ўрни нақадар юксак эканлигидан далолат беради. Илғор ўқитувчиларимизга юксак унвонлар, давлат мукофотлари берилмоқда, уларга масъул вазифалар ҳам юклатилмоқда. Айниқса, республикамиз мустақилликка эришгандан кейин, ўқитувчининг жамиятдаги роли ва масъулияти ортиб бормоқда.

Ўқитувчилик касби жуда катта руҳий ва жисмоний куч талаб этади, шунинг учун ўқитувчининг саломатлигига ҳам маълум талаблар қўйилади. Ўқитувчининг овоз пойчалари ривожланган, кўриш қобилияти яхши бўлиши узоқ вақт тикка тура олиши, кўп юриши, эпчил ҳаракат қила олиши (айниқса, бошланғич синф ўқитувчилари, керак. Чунки кичик мактаб ўқитувчилари тиниб-тинчимайдиган, ўта қизиқувчан, серҳаракат бўладилар. Бу шароитда ўқитувчи ҳам шу хусусиятларга эга бўлмоғи лозим.

Ўқитувчи доимий изланишда бўлиши керак. Бир жойда қотиб қолмасдан касбини шакллантириб бориши лозим. Ўқитувчининг касбий шаклланиш жараёнида мактаб раҳбарияти ва жамиятчилиги катта рол ўйнайди. Ёш ўқитувчиларга тажрибали ўқитувчиларни бириктириб қўйиш, уларнинг дарсларини кузатиш, метод бирлашма ишларига жалб этиш мактаб раҳбариятининг вазифасидир. Мактабда ўқитувчининг ўз устида ишлашига илмий-назарий ва методик билимларини тинмай ошириб боришига катта аҳамият берилади. Ўқитувчи аста-секин ўз касбини ўзлаштириб бориш билан бирга, ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғиб этади.

Ўқитувчилик касбига кириш ва педагогик маҳоратни эгаллаш жараёни уни мактаб ўқитувчилари жамоасига киритиб, унда ўз ўрнини топиб кета олишига боғлиқ. Жамоанинг ёрдамидан юз ўгирмаслик, қийинчиликларга дуч келганда руҳан тушмай, ўз хатоларини кўра билиш ва уни йўқотиш учун ҳаракат қилиш унинг ўқитувчи бўлиб шаклланишидан дарак беради.

“Ўзбекистон Республикаси давлат таълими муассасалари педагог кадрларнинг аттестацияси тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилди ва бу Низом 1993 йил 12 августдаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тасдиқланди. Аттестация ўқитувчилар ва бошқа педагог ҳодимларга меҳнатларининг

пировард натижасига кўра иш ҳақи олиш имконини, агар педагог таълим ва тарбия жараёнида яхши ишласа, унинг меҳнати эътибордан четда қолмаслигига кафолат беради.

Одам ўз олдига қўйган мақсадига эришиши, бунда инсон эҳтиёжи, таланти, интилишини тўлиқ ишга солиши талаб қилинади. Аммо кўп ҳолларда кишилар ўзидаги бор имкониятларидан етарлича фойдалана олмайдилар. Инсонда доимо янгиликка муайян даражада қаршилиқ сезилади ва уни қабул қилиш эса психологиянинг ўзгариши билан аста ўзгаради. Бу ўзгаришлар инсоннинг турли усуллари қидиришга олиб келади.

Ижодий услуб.

1. Бу услубни деб бошқа ўқитувчилардан ажралиб қолмаслик.
2. Ўз фикри деб бегоналашиб қолмаслик
3. танқиддан қўрқиб, яккаланиб қолмаслик.
4. Ўзига ишонмай, фикрини очик айта олмаслик.
5. Ўжарлик қилиб, ўз фикрида туриб олишлик.

Дастлаб янгиликка қарши чиқиш, бу одатий ҳол, аммо вақт ўтиб инсон ўзгариб боради.

Ўқитувчи фаолиятида жамоанинг ўсиши, ҳар соҳада эришган самарадорлиги ўз аксини топиши лозим. Бундай омилга қарши қуйидаги салбий таъсирлар учраши мумкин:

1. Ўқитувчиларга ушбу янгиликнинг мақсади очик-ойдин тушунтирилмайди.
2. Ўқитувчилар ушбу янгиликнинг режаси ҳақида маълумотга эга бўлмайдилар.
3. Жамоанинг танлаган йўлини тушунишни истамайдилар.
4. Мавқеларини йўқотиб қўйишдан қўрқадилар.
5. Бу янгиликни ҳаётга татбиқ қилувчи ўқитувчини билмайдилар, уни ҳурмат қилмайдилар, ишонмайдилар.

Танлаган йўлимиз янгиликни қабул қилишда салбий уринишларни йўқотишга, ўқувчи ва ўқитувчи мулоқотини мустаҳкамлашга, ўзаро

фикрларини очик айтишга, янгиликка эришишини мақсад қилиб олишга ўргатишдир. Шунингдек, бу йўлда хатоларни тuzатадиган, тўғри йўлни танлашга ёрдам бера оладиган, яъни:

- мустақил фикр билдира оладиган;
- янгиликка доир маълумотлар, қўшимчаларни ишлаб чиқа оладиган;
- ижодий тажрибада ҳикматли фикрлардан фойдалана оладиган;
- янгилик сари тажрибада ҳаётийликдан фойдаланадиган;
- жамоа, гуруҳда ишлай оладиган;
- янги фикрни ривожлантира оладиган ўқитувчини тайёрлашдир.

Инсон қачонки ўз ғояларини амалга оширса, ўз истёдод ва қобилиятларини ишга солса, ўзи учун субъектив мазмунга эга бўлган ишлари ва ўз қарашлари тизимига қарши чиқишга мажбурланмаса, унда ҳаётдан қониқиш ҳисси пайдо бўлади. Киши онгидаги барча маълумотлар кадриятлар ва тўсиқлар тизими томонидан кузатилади. Психологик тўсиқ деганда одамга маълум бир ҳаракатни муваффақиятли бажаришга халақит қилувчи ички тўсиқлар (истамаслик, кўрқув, ўзига ишонмаслик ва ҳ.к.) тушунилади. Ҳар бир одам ташқи ахборотлар йиғиндисидан ўз руҳиятига мос маълумотни танлайди. Лекин бу тасаввурлар маълум вақт ўтиши билан янгича фикрлаш ижодий жараёнига тўсиқ бўла олади. Шунинг учун янги маълумотларга тўсқинлик қилувчи сохта маълумотлардан ҳимояланиш масаласи кўндаланг бўлади.

Психологик тўсиқлар таҳлиliga бағишланган адабиётларда, масалан, В.И.Антонюк томонидан ишлаб чиқилган тизимда, уларни баҳолашнинг мантиқий тўғри жиҳатлари белгиланади. Психологик тўсиқлар таҳлил қилинганда қуйидагича ҳолатлар:

1. Янгилик киритилиши билан келиб чиққан инновация шароитида ишчиларнинг аҳволи негатив психик шаклда бўлиши.
2. Ишчиларнинг ҳаракат, мулоҳаза, тушунча, фикрлаш, кутиш онгли ва онгсиз, яширин ёки ошкора, атайлаб ёки тўсатдан бўлган эмоциональ кечинмалар йиғиндисидан, негатив психик аҳвол юзага келиши яққол кўзга ташланади.

Ҳимояланишнинг барча турларидаги умумий хусусият шуки, уларни англай олмаслик натижасида ҳимоя қилувчи механизмлар ишининг фақат ташқи кўринишигина кузатилади. Одатий хулқ заифлашиб, кўрқув, ўзига ишонмаслик, хавотирланиш пайдо бўлиши мумкин. Нохуш маълумотни эшитиб, инсон унга нисбатан турлича муносабатда бўлиши мумкин. Тезда унинг аҳамиятини тушуниб, унинг бажарилишига имконият йўқлигини билиб, ўз хоҳишлари даражасини пасайтиришга ва диққат қилмасликка уринади. Психологик ҳимоянинг яқиндан ўрганилган кўринишлари махсус номларга эга, чунончи, инкор этиш, сусайиши, чиқариб қўйиши, идентификация, бегона бўлиш, ўрни алмашиш ва бошқалар.

Идентификация педагогик хулқнинг ўзлаштириш механизмларидан бирини ташкил қилади. Идентификация – ўзини бошқа одам билан солиштириб кўриш ва ўзининг ёққан ҳис-туйғу, сифатларини унга кўр-кўрона ўтказишдир. Бу ўз индивидуаллигининг чегараларини кенгайтириш билан ўзини бошқа инсонга сингдириб қўйишдирки, агар инсон ўзининг “мен”ига бошқасини киритса, демак, ўзига хос тарзда унинг фикри, ҳис-туйғу ёки характерлари юзага келади. Ўзини “намуна” ўрнига қўйиб кўриб, ўзининг “мен”и марказини умумий фазода жойлаштириб, меҳрини, эмоциясини ўзидагидек сезиши ва уни яхшироқ билиб олиши мумкин.

Турли хил психологик ҳимояларни кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, идентификация ҳодисаси бир одамни тинчлантиради, қадриятлар тизимини ўзгартиради, айти пайтда бу тизимга янгиланиш олиб киради; бошқа бир ҳолда эса янгиланишни инкор этишга ёрдам беради ва ўз ички “мен”ни сақлаб қолади. Лекин педагогик янгиланишларни ўзлаштириш кўпроқ ижтимоий аҳамиятга, педагогик жамоага боғлиқ. Аммо ижтимоий ҳимоя – бу жамиятда бор бўлган халқ усуллари ва қарама-қаршиликларида туғилишини унутмаслик лозим.

Ёш ўқитувчи янгиланишга мардона киришиб, ўз қизиқишлари, кечинмалари ва иш усуллари ёрдамида ўтади. Тажрибали ижодкор ўқитувчида эса бу нарса ўқувчиларнинг қизиқишида марказлашган бўлади. Ўқувчининг тушунишига ёрдам берувчи, у билан мулоқот ўрнатиши, унинг ривожланишига

ёрдам беришга қаратилган янгиланишлар ўқитувчини доимий равишда қизиқтиради. Қуйидаги ҳолатда ўқитувчининг марказланиши ўқувчиларга муайян бир фикрни ўтказиш учун эмас, балки ижодий изланиш ва шахсиятини ўстиришга ҳам қаратилган. Юқорида айтиб ўтилган педагогик тўсиқларга ушбу ижодий тўсиқларни ҳам киритиш мумкин:

1. Бошқа одамларга ўхшашга, улардан ўз мулоҳазалари ва хулқлари билан ажралиб қолмасликка интилишда, ижодий устун бўлишда конформизмга иштиёқ.
2. Одамларга ёмон отли бўлиб қолишдан қўрқиш. Бу йўналиш ўқитувчининг биринчи ижодий мулоҳазаларда, педагоглар, ота-оналар, болалар билан умумий тил топа олмаслигидан пайдо бўлиши мумкин.
3. Бошқа инсонларнинг фикрларига танқидий қарашдан ва ўзи ёқтирмаслиги учун агрессив (сержаҳл) кўринишдан қўрқиш. Ҳозирда мана бу фикр кенг тарқалган: агар бирор кимсани танқид қилсанг, демак, сен ҳурматсиз ва маданиятсиз бўлиб қоласан.
4. Бирор кимсани вазият юзасидан танқид қилсанг, унинг тўқиб қилишидан қўрқиш. Шулардан қўрқиб, ижодий тафаккур юритишимизга ва ривожланишимизга тўсиқ қўйиб қўйишимиз мумкин.
5. Шахсий хавотирланиш, ўзига ишонмаслик, салбий ўзлаштиришга (“мен” концепцияси), ўз шахсиятини баҳолашда пасайишга олиб келади.

Педагогик жамоада қизғинлик туғдирган янги усуллар ўқитувчи кечинмаларида ўз-ўзи билан келишмовчиликларни юзага келтиради. Шундай пайтда ўқитувчи режали иш олиб борса, ўзининг руҳий осойишталигини асрай олади ҳамда ёмон ички келишмовчиликларни бартараф этади.

Ўқитувчи педагогик фаолиятини яхши олиб бориши учун ҳалал берадиган психологик тўсиқларни, “комплекслар”ни яхлит ўзлаштириб, бошидан кечириб кўриб, улардан кечиши зарурдир. Педагогнинг хулқи ва ички дунёсини стандартлаштиришда йўл-йўриқ қоидалари жуда катта аҳамиятга эга эканлиги кузатилади. Бироқ педагогик фаолиятда жамиятнинг ривожланиши ўқитувчидан педагогик хулқни, яъни актив ва тизимли ижодни талаб қилади.

Энди ўқитувчининг педагогик фаолиятини умумлаштириб, янгилик киритишга ўқитувчиларнинг кўпроқ қаршилиқ билдиришини келтириб чиқадиган сабабларни кўриб ўтамиз.

1. Ўзгаришларнинг мақсади ўқитувчиларга тушунтирилмаган, яширилган, бу эса ўз навбатида, хавотир ва номаълумликни келтириб чиқарган. Номаълумдан қўрқув ўқитувчиларни ҳар қандай бемаъни усулга йўллаши мумкин.
2. Ўқитувчилар янгилик киритишни режалаштиришни ишлаб чиқишда қатнашмаганлар.
3. Жамоа анъаналарини эътиборга олмаслик.
4. Янги усулларга субъектив муносабат ва қўрқув, статус йўқотиш хислари.
5. Раҳбар ўқитувчилар фаолиятида ўзгаришлар, иш ҳажмининг кўпайиши режалаштирилмаса, шундай қўрқувни пайдо қилади.
6. Янгилик киритувчи инициатор (ташаббускор) ҳурмат ва ишончига эга бўлмаса, кўпинча ўқитувчилар лойиҳага эмас, унинг муаллифига қарайдилар. Агар ижодий фаоллик асосиз бўлса, кадриятларга эътибор қаратилмаса, бу фаоллик жуда хавфли. Демак, ёш ўқитувчининг билим бериш ва касбий фаолиятида ижодий ривожланиши учун кўп вариантли ечимларга етакловчи машқлар топилмаган ва тавсия этилмаган.

Ижодий изланишларда ички тўсиқлар йўқотилади. Ўқувчилар ижодий изланишга тайёр бўлса, уларга ўқувчи ва ўқитувчилар билан ўзаро муносабатларда ишончни уйғотишга ёрдам бериш лозим. Уларнинг фикрлари қабул қилинадими ёки йўқми улар масхара қилиниши ва хавотирланишларига йўл қўймаслиги керак. Шунда улар хато қилишдан қўрқмайдилар.

Ишда онглиликка эътибор бериш. Муаммо диққатнинг марказида бўлмаса-да, аммо онг фаолият кўрсатаверади. Агар миёда бирор ғоя туғилиб қолса, уларни эслаб қолиш, тушуниб етиш ва улардан фойдаланиш керак.

Баҳолашда четга чиқиш. Бу ҳам ўқувчиларнинг ғоялар оқимини кенгайтиришга, муаммонинг устидан эркин фикрлашга имкон беради.

Ақлий машқларга имконият бериш. Ўқувчиларга ечимини топиш учун машқлар берилади. Шунда улар ўзларини бошқачароқ ҳис этадилар. Бундай ҳолларда улар ўзларини йўқотишга йўл қўймасликлари керак.

И.В.Клори “Чет эл педагогик изланишларда таълимотнинг педагогик моделлари” монографиясида катта синф ўқувчилари учун дарсларни ташкиллаштириш асосига киритилган юқоридаги маслаҳатларни баён этган.

Ўқитувчилик шарафли, лекин жуда мураккаб касбдир. Яхши ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун-қоидалар умумлаштирилган. Ўқувчиларнинг ёш индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади. Мактаб ҳаёти амалий педагогик жараён эса жуда хилма-хилдир. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса ўқитувчидан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарлик, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб этади.

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб берадиган, болаларга таълим-тарбия беришга махсус тайёрланган одамларнинг меҳнат фаолиятидир. Мактаб ўқитувчиларининг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган.

Ҳар бир бола ўз хулқ-атвориға, характериға эға. Болаларни тарбиялашда уларнинг ана шу ўзига хос хусусиятларини ҳисобға олиш, ўрганиш ниҳоятда мураккаб. Педагогик фаолиятға тайёргарлик кўраётган ёшлар унинг ана шундай хусусиятларини билишлари лозим. Ўқитувчилик ихтисосининг бу хусусиятлари унинг профессиограммасида ифодаланади.

Профессиограмма қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1. ўқитувчи шахсининг хусусиятлари;**
- 2. ўқитувчининг рухий-педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар;**
- 3. махсус тайёргарликнинг ҳажми ва мазмуни;**
- 4. ихтисосға оид усулий тайёргарликнинг мазмуни.**

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Ижодкорлик ҳамиша унинг ҳамкори бўлади.

“Жаҳонда муаллим бўлмаса агар, ҳаёт ҳам бўлмайди гўзал бу қадар” (Абдурахмон Жомий)¹. Болага тарбия беришда оиладан кейинги ўринда муаллим туради. Муаллимлар айниқса бошланғич синф ўқитувчилари болага тарбия бериш билан биргаликда ўқишни, ёзишни ўргатадилар. Бола тарбияси мураккаб жараён. Ўқитувчи шу касбни эгаси бўлдимиз, демак у қийинчиликлар олдида қўрқмаслиги, ортга қайтмаслиги керак. Ўз касбини пухта эгаллаб, янгиликлар яратишга ҳаракат қилиши лозим. Ўқитувчи ўз олдига мақсад қўйиши ва унга амал қилиши касбий фаолиятининг ривожига ёрдам беради.

Инсон энг аввало ҳар томонлама билимдон бўлмоғи лозим. Билимдон бўлмоқлик, бу ўз касбини пухта эгаллаш, эл-юрт, Ватан манфаатлари йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, унга садоқатли бўлиш, уни эъзозлаш, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий билимларни доимий равишда етарли даражада эгаллаб бориш, маърифатли бўлиш, маънавий самолот сари интилиш, халқнинг, инсонларнинг ғам-ташвишлари, қувончларида ҳамдард, ҳамкор, елкадош бўлиш, умумий қилиб айтганда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этиш, унинг истиқболи учун қайғуриш, доимо эзгу ишлар, орзу-умидлар, ниятлар билан йўлдош бўлиб юриш демакдир.

“Болаларга таълим-тарбия берадиган ўқитувчининг тафаккур савияси кучли бўлиши керак. У ўзида қуйидаги фазилатларни кўникмага айлантирган талабалар идеалидаги намунали устоз бўлмоғи зарур.

1. Ўқитувчи кучли тафаккур, теран онг, серқиррали интеллектуал салоҳият ва ўз мутахассислигини севиши талаб қилинади.
2. У ёшларга эътиқоди, иймони ва оиласига бўлган эътиқоди билан ўрнатилган бўлиши лозим.

¹ “Талабалар дунёси” журнали. 2010. 8-сон 16-б.

3. Касбига бўлган мухаббати, истеъдоди ва туйғуларини бошқара олиши, болажон бўлиши сезилиб туриши керак. Чунки у ташвиқотчи ва тарғиботчидир.
4. Педагогнинг ташқи кўриниши, кийиниш этикаси, сўзлашув маданияти, педагогларга хос одоб ва маданиятга оғишмай амал қилиши лозим.
5. Аудиторияни бир текисда назорат қилиши, ҳаммага баробар меҳр билан мурожаат қилиши ва педагогик маҳорати кучли бўлиши керак.
6. Нотиқ бўлиши, сўзлашув жараёнида **киноя** ва виқордан холи бўлиши талаб қилинади.
7. Обрў орттира олиш қобилияти, илмий-маърифий ишлар ва педагогик маҳорати устида тўхтовсиз изланиши билан шогирдларига ўрнак бўлмоғи зарур”¹.

Демак, педагогик техника, педагогик қобилият ўқитувчилик фаолиятида ўз ўрнига эга. Ҳозирги кунда педагогик фаолиятнинг ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари мавжуд. Педагогларга юқорида келтириб ўтганимдек катта эътибор берилмоқда. Уларга шароитлар яратиш билан биргаликда, катта масъулият ҳам талаб қилинмоқда. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир”². Эркин мустақил фикр юритишни ўқувчилар устозларидан ўрганадилар. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг ёш индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, дарс ўтишлари, муносабат ўрнатишлари керак. Ўз касбини севган педагог хатоликларга, камчиликларга йўл қўймайди. Дарси жараёнида инновацион технологиялардан, кўргазмали қурооллардан фойдаланиб, ўқувчиларни қизиқтиради. Кўргазмали воситалар, турли ўйинли дарслар ўқувчиларни фаоллаштиради, мустақил фикр юритишга ўргатади.

¹ Педагогика. Ўқув қўлланма. – Т., 1996. 94-б.

² Каримов И.. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1998. 9-б.

Педагогик техника қоидаларини яхши эгаллаган муаллим ўз саломатлигига ва ишининг самарасига ижобий таъсир кўрсатади. “Педагогик техника 2 турдаги кўникмалар гуруҳидан иборат: 1. Ўзини – ўзи (гавдаси, ҳиссий ҳолати ва нутқ техникаси)ни бошқара олиши; 2. Педагогик вазифаларни ҳал этишда ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлашни уддалаш (дидактик, ташкилотчилик малакалари, бевосита таъсир этиш техникаси).

Педагогик техника қуйидаги 2 гуруҳ йиғиндисидан иборат:

I. Педагогнинг ўз хулқини бошқара олиш;

а) Ўз-ўзини бошқара олиш, мимика ва тактикалари;

б) Ҳиссиёти, руҳий ҳолатини бошқара олиши, ижобий вазиятни вужудга келтириш;

в) Мантикий фикр тузиш, қобилияти, диққати, уқиб олиш, сезгирлик, ўзини қўлга олишликни эгаллаш;

г) Нутқ техникаси, нафас олиши, овозни тингловчиларга мослашиши. Талаффуз тарзи, нутқ суръати.

II. Педагогик жараён шахс ва жамоага таъсир кўрсатиш бўлиб, у таълим-тарбия жараёнининг технологиясини очиқ беради. Унга педагогиканинг дидактик, ташкилотчилик, конструктивик кўникмалар, педагогик мулоқатни бошқариш жамоанинг ижодий ишларини ташкил этиш ва бошқариш киради.

Юқоридагилар педагогик фаолиятда самарали натижаларни, ютуқларни кафолатлайди. Акс натижани эса қуйидаги камчиликлар келтириб чиқаради:

- ўқувчи ёки унинг ота-онаси билан сидқидилдан сўзлаша олмаслик;
- ғазабни тўхтата олмаслик ёки уни ўз ўрнида ишлата олмаслик;
- ўзида ишончсизликни енга олмаслик;
- нутқининг равон эмаслиги;
- ортиқча қаттиққўллик;
- хушмуомала бўлишдан кўрқиш;
- жуда тез гапириш (айниқса дарсда)

- ортиқча ҳаракат ёки бир жойда қотиб қолиш, қўлларни қаерга қўйишни билмаслик;
- ўз гавдасини тутишдаги камчилик (букчайиб, ерга қараб юриш, бефойда кулиш, ортиқча ҳаракат), турли жисмларни қўлида айлантириб юриш;
- товушдаги камчиликлар: бир оҳангли, зерикарли аниқ талаффузнинг йўқлиги, хона учун зарур товуш баландлигини танлай билмаслик;
- нутқдаги камчиликлар: нутқнинг ҳаётий эмаслиги ифодали ўқиш малакаси (дикция)нинг йўқлиги.

Педагогик фаолиятда асосий ўринлардан бирини нутқ техникаси эгаллайди. Кўп олимлар олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, паст овоз ўқувчилар томонидан яхши идрок этилади. Паст овоз уларга юқори овозга нисбатан ёқади. Юқори овоз ўқувчиларни ҳам, ўқитувчининг ўзини ҳам тез чарчатиб қўяди. Ўқитувчилар касалликларининг 40,2 фоизини овоз касалликлари ташкил этади. Овоз касаллигининг сабаблари:

- а) юқори овозда гапириш;
- б) овоз аппаратларидан тўғри фойдаланмаслик;
- в) овоз гигиенасига амал қилмаслик;
- г) овоз аппаратининг туғма камчиликлари.

Овоз касалликларини олдини олиш учун педагог ишдан сўнг 2-3 соат давомида кам ва секин гапириши керак. 3-4-соатлик дарслардан сўнг 1 соат мобайнида овоз аппаратларига дам бериш керак”¹.

Нутқнинг аниқ бўлмаслиги дарс жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Ўқитувчи қанчалик аниқ ва равон сўзласа, ўқувчиларнинг қабул қилиши шунчалик тез бўлади. Агарда бунинг акси бўлса, ўқувчилар маърузани тинглашни хоҳламайдилар, дарсга бўлган қизиқишлари йўқолади. Қабул қилиш камаёди.

¹ Қосимова З. Педагогик маҳорат асослари. – Т., 2009.-95 Б. 57-64 бетлар.

1.2 Педагогик фаолиятда камчиликлар ва ютуқларнинг руҳиятга таъсири

Ўқитувчилар асабийлашмаслиги, ортиқча ҳиссиётга берилмаслиги лозим. Ортиқча ҳиссиётга берилиб сўзлаш ҳам овоз пайларининг толиқишига олиб келади. Овқатланиш рационига риоя қилиш керак, аччиқ, иссиқ, совуқ, спиртли ичимликлар ичиш, чекиш овоз пайдо бўлиш аъзоларининг қизаришига, яллиғланишига сабаб бўлади. Саломатлик – туман бойлик, дегани шунчаки гап эмас. Орзу-мақсадларимиз ана шу шарт билан чамбарчас боғлиқ. Касб касалликларини ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқиляпти ҳамда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Беш ёки олти иш кунига тақсимланган дарс соатлари билан машғул бўлар экан, ўқитувчи ҳам руҳан, ҳам жисмонан толиқади, демак саломатлигида муаммолар туғила бошлайди. Ўқитувчи ўзининг ҳар бир дарсида энг камида 3 мингтадан – кўпи билан 5 мингтагача сўз айтади. Ҳар бир бола унинг диққат-эътиборида бўлишини назарда тутсак, унинг асаб тизими ҳам ниҳоятда нозиклашиб боришини тушуниш мумкин. Бир қанча касбий ва салбий омилларнинг ўқитувчи-мураббийлар саломатлигига таъсири хусусида Республика касб касалликлари Маркази Олий тоифали профпатолог шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Абдужалил Воҳидовнинг фикрларини келтириб ўтиш ўринли:

- Халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълими тизимларида меҳнат қилаётган ўқитувчи-педагогларда, аввало, овоз боғламлари зўриқади. Бундай зўриқиш касб касаллигига, яъни товуш аппаратининг ўта толиқиши билан боғлиқ бўлган сурункали ларингит, возомотор монохордит, товуш боғламларининг тугунлари, яралари каби касалликларни келтириб чиқаради. Ўқитувчи-ходимларда кузатиладиган кам ҳаракатчанлик – гиподинамия, меҳнат ва дам олиш тартибининг бузилиши, тез-тез асабий (стресс) ҳолатларига тушиш, шифокорларга ўз вақтида мурожаат этмаслик бу дардларни келтириб чиқаради.

Инсон, ўзини ўраб турган дунёни билар ва унга ўз таъсирини ўтказар, яъни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ишни бажариб, меҳнат қилар экан, ҳеч қачон бефарқ муносабатда бўла олмайди, балки аксинча, кишиларга, нарсалар ва воқеликдан ҳодисаларга ўз фаолияти жараёнига унинг оқибатларига бўлган ўз муносабатини ҳис қилади. Бу кечинмалар ёки ҳиссиёт кишилар ҳаётида буюк роль ўйнайди ҳамда уларнинг бутун психик фаолиятига сингиб кетади.

Ҳиссиёт инсон психикасидаги бошқа ҳодисалар сингари, миянинг функциясидир. Бош мия катта ярим шарлари қобиғида рўй берадиган жараёнларнинг намоён бўлишидир. Педагогнинг ҳиссиёти кўпинча ўқувчиларнинг унга нима дейишларига ҳамда унинг ўқувчиларга нима дейишига ёки айтиб беришига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг эмоционал ҳолати дарсгача, дарс жараёнида ва дарсдан кейин ҳам ўзгариб туради.

Педагог ишида ҳиссиётнинг катта аҳамиятга эга эканлиги шундаки, ҳиссиёт бир кишидан иккинчисига тез ва осонлик билан ўтади. Бунинг сабабларидан бири шуки, кечинмалар ҳар хил ташқи ифодали ҳаракатларга эгадир: мимика, имо-ишора, хатти-ҳаракатлар. Бирор кишининг жилмайиши ҳам, кулгуси ҳам, жиддий кайфияти ҳам одатда бошқаларга “ёқади”.

Масалан, кичик ёшдаги мактаб болаларига ҳиссиётлар қандай таъсир этиши ҳар бир дарсда билинади. Агар ўқитувчи дарсга ёмон кайфиятда, жаҳли чиқиб келса, ўқувчилар ҳаяжонга тушадилар, асабийлашадилар ҳамда жуда беқарор бўлиб бақирувдан сўнг тинчланишлари мумкин. Ўқитувчи хотиржам бўлиб, шу билан бирга ишга чинакам эмоционал кўтаринкиликни ҳис этса, бунда унинг ўқувчилари яхши сезадилар.

Киши вужудини тез қамраб оладиган жўшқинлик билан ўтадиган қисқа муддатли портлаш тарзидаги ғазаб, қувонч кечинмалари каби ҳиссиёт психологияда аффект деб номланади. Аффектлар ўзаро муносабатларда ҳалақит беради.

Бироқ камдан-кам ҳолларда аффект яхшигина тарбиявий восита ҳам бўлиши мумкин. Шунинг ҳисобга олиш керакки:

Биринчидан: ўқитувчининг ўқувчи хатти-ҳаракатига кучли таъсири анчагина натижа беради. Шунинг билан бирга, тез ҳаяжонланадиган кишининг чегарадан чиқиб кетиши мумкинлигини, натижада у кутилган натижа ололмаслигини унутмаслик керак.

Иккинчидан: ғазаб кўпинча киши онгига нисбатан, ҳиссиётга кўпроқ таъсир этади. Қизикқан ўқитувчининг ўқувчилари эътиқодлари билан эмас, кўпинча кўрққанларидан интизомли бўладилар. Кузатишлар, жумладан, қизикқон ўқитувчиларнинг болалари ювош, лоқайд, шу билан бирга, етарли даражада талабчан педагогникига нисбатан, ўқитувчи йўғида ўзларини камдан-кам яхши тутишла тутишларини кўрсатади.

Учинчидан: ишнинг моҳиятини ҳисобга олиш керак. Мажбуран кучли аффект қўллашни талаб этадиган ҳаракатлар ҳам бўлади, аммо арзимаган иш ҳамда кичкина айб деб, ўзининг ва ўқувчиларининг “асабини” тажанг қилиш жуда ақлсизликдир.

Тўртинчидан: ўқитувчининг ўз ишига нисбатан эътиқоди ҳам катта аҳамиятга эга. Болалар қизикқон ўқитувчиларни ҳам агар уларнинг ғазаби, тарбияланувчиларни бирор камчиликдан ҳоли этишга ёрдам берса, бунинг норозиликнинг чинакам ҳисси билан юзага келганини сезсалар, албатта яхши кўрадилар. Ҳиссиётнинг барқарорлиги – руҳий ҳолатнинг барқарорлигига боғлиқ. Ўқувчилар билан ишлаш, уларга тарбия беришда педагог руҳий-ҳиссий томондан кучли бўлиши керак. Иш фаолияти жараёнида турли муаммолар келиб чиқса, ўқувчилар билан дўстона муносабат ўрната олмаса зўриқиш жараёнининг илк босқичлари шакллана бошлайди. Шу сабабдан муаммоларни бартараф қилишга ҳаракат қилиш керак. Асосий муаммоларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- иш жойига кўника олмаслик;
- ҳамкасблар, ўқувчилар билан муносабатни тўғри йўлга қўя олмаслик;
- ўқув материалларининг етишмаслиги;
- синф-хоналардаги шароитнинг яхши эмаслиги;

Буларни асосий муаммолар деб олсак, бундан ташқари кўпгина ҳолатлар ҳам ўқитувчиларда зўриқиш жараёнларини келтириб чиқариши мумкин. Зўриқиш жараёнлари кучаймаслиги учун ўқитувчи кунлик режага эътибор қаратиши керак. Ўз вақтида овқатланиш, дам олиш, жисмоний машқларни бажариб турилса мақсадга мувофиқ бўлади. Булар руҳий жиҳатдан ҳам тетик бўлишга ёрдам беради.

Педагогда ўз-ўзига баҳонинг паст бўлиши кўпинча таълим муассаса қўяётган талабаларини уддалай олмаслик, турли хил эътирозларнинг доимий тарзда билдирилиши, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муомала жараёнидаги муваффақиятсизликлар оқибатида ҳосил бўлиши мумкин.

Ўзини паст баҳолайдиган педагоглар ўзларини ва атрофдагиларни яхши қабул қилмайдилар, юқори ҳавотир ҳис-туйғусига эгалар, бу эса педагогик жараёнга салбий таъсир қилади. Бироқ кўпчилик замонавий педагогларда “салбий мен” – концепцияси, ўзига паст баҳо қўйиш, ишончсизлик юқори туради.

Педагогда ўз-ўзига баҳо ўта юқори бериши ҳам унинг халқ-атвориға яхши таъсир кўрсатмайди. Чунки, у ҳам педагогик фаолиятдаги ютуқлари ёки ундаги сифатларнинг бошқалар томонидан сунъий бўрттирилиши, ноўрин мақтовлар, турли қийинчиликларни четлаб ўтишга интилиш туфайли шаклланади.

Педагогнинг ўзини юқори баҳолаши, эмоционал барқарорлик ва максимал ўзгарувчанлик хислатларида ифодаланади. Реалистик баҳо педагогни ўраб турганлар-педагогик жамоа, мактаб маъмурияти, ўқувчилар жамоаси ўринли ва асосли баҳолари, реал, самимий муносабатлари маҳсули ҳисобланади. Педагог шахсининг энг аҳамиятли сифатларидан бири – болаларга бўлган меҳр-муҳаббат, муруват, педагогик обод, ўзини-ўзи танқидий баҳолаш, ҳаққонийлик, жавобгарлик, ўзини тута олиш ва назорат қилишдан иборат. Педагогнинг ўзини баҳолаш даражаси кўпинча педагогик фаолиятда эмоционал зўриқишнинг ўзгаришларини белгилайди. Адекват ўзини баҳолаш ва позитив ўзини баҳолашга ҳамда болаларнинг ўзини баҳолашига ижобий

таъсир кўрсатади, уларнинг ўқиш жараёнида муваффақиятга эришишини рағбатлантиради, уларда шахсни ривожлантирувчи таъсирни шакллантиради.

Ўқув фаолиятида зўриқишли вазиятга нисбатан пайдо бўладиган, психик ва жисмоний реакцияларида намоён бўладиган, (психик ва жисмоний) феномен ҳиссий зўриқиш ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, ўқув фаолиятидаги зўриқиш инсоннинг ақлий меҳнат билан ҳаддан зиёд банд бўлиши, ваколатларининг чеклаб қўйиши, тенгдошлар ва педагогларнинг нотўғри муносабати, ўқиш жойига келиш ва кетиш учун йўлга кўп вақт сарфлаш, молиявий муаммолар, монотон (бир хил) ҳаракатлар ўз имкониятларини тўла намоён этиш учун қулай шароитнинг йўқлиги, баъзан ўқув жараёнидаги узилишлар, қобилият ва имкониятларига етарли даражада тўғри ва объектив баҳо берилмаслик каби ҳолатлар таъсирида вужудга келади.

Шунингдек, ўқув фаолиятидаги ҳиссий зўриқишлар шарт-шароит, аудиториянинг ёритилиши, вентиляция, хонанинг торлиги, ахборотнинг етишмаслиги, ҳамда вақтнинг тўғри тақсимланмаслиги ва бошқа сабаблар таъсирида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

“Психолог Н.В.Сомоукина томонидан ҳиссий зўриқишларни келтириб чиқарувчи сабаблар қуйидагича таснифланади:

1. Муваффақиятга эришиш билан боғлиқ ҳолатлар;
2. Рақобат муҳити;
3. Хато қилиб қўйишдан қўрқиш;
4. Жамоада психологик мосликнинг мавжуд эмаслиги”¹.

Ўқув фаолиятидаги ҳиссий зўриқишларнинг келиб чиқишига таъсир этувчи омилларни объектив ва субъектив омилларга ажратиш мумкин.

Объектив омиллар ўқув жараёни билан боғлиқ бўлса, субъектив омиллар эса шахснинг соф психологик хусусиятлари (ўзига ишончнинг пастлиги, омадсизликдан қўрқиш, хатолар, мотивациянинг пастлиги, келажакка бўлган ишончнинг йўқлиги, саломатликнинг ёмонлиги, малаканинг етишмаслиги,

¹ “Мактаб ва ҳаёт” журнали. 2011. 2-сон. 18-Б.

тажрибанинг камлиги, шахслараро муносабатлардан қониқмаслик) билан боғлиқдир.

Узоқ давом этувчи ва кучли ҳиссий зўриқишлар вегетатив нерв тизимининг симпатик ва парасимпатик бўлимларини фаоллаштириб юборади. Жадал ақлий фаолият, мушаклар тизимидаги зўриқишлар, ҳаракат фаоллигининг чекланиши, уйқу тартибининг бузилиши, ижтимоий мавқеининг ўзгариш эҳтимоли билан боғлиқ ҳиссий зўриқишлар ҳам ҳиссий зўриқишларнинг манбаи ҳисобланади.

Юқоридагиларнинг барчаси организм нормалҳаёт фаолиятини таъминловчи вегетатив нерв тизимининг хаддан зиёд зўриқишига олиб келади. Ҳиссий зўриқиш вақтида юрак қисқаришлари частотаси ортади, артериал босим ўзгаради, психоэмоционал зўриқишлар юқори жарадага кўтарилади. Фаолият якунланиши билан бу кўрсаткичлар нормага қайтиши учун кўп вақт хатто бир неча кун талаб қилинади. Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилишича, ўқув фаолияти билан боғлиқ ҳиссий зўриқишлар ўқитувчи саломатлигига жиддий хавф туғдириши мумкин.

Демак, педагог-ҳодимлар ҳиссий зўриқишларга йўлиқмасликлари учун психоэмоционал барқарорликни сақлай олишлари керак. Керакли ўринларда совуққонлик, бошқа ҳолатларда кайфиятни яхшилаш, баъзи ҳолларда табиатда экскурсия дарсларини ўтказиш педагогларнинг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим ва тарбия бериш мураккаб ҳамда жиддийликни талаб этувчи жараёндир. Таълим жараёни ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолият бўлиб, икки томонлама характерга эгадир. Ўқитувчининг фаолияти туфайли таълим пухта ўйлаб чиқилган мақсад, мазмун ва дастурлар асосида олиб бориладиган жараёнга айланиб, кутилган натижаларни беради.

Ўқитувчиларнинг фаолияти ўқув материалларини баён қилишдан, ўқувчиларда фанга қизиқишни таркиб топтиришдан, ўқувчиларнинг мустақил машғулотларига раҳбарлик қилишдан, уларнинг билим, кўникмаларини

текшириш, ўқув ишларига мойиллигини уйғотиш, рағбатлантириш, билим даражаларини холис баҳолашдан иборатдир.

Афсуски таълим жараёнида баъзи педагог-ўқитувчилар хато ва камчиликларга йўл қўймоқдалар. Бундай хатоликлар билан ўзларининг саломатликларига салбий таъсир кўрсатадилар.

Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашда педагоглар хатоларга йўл қўядилар. Улар қуйидагилардир:

- унинг вазифаларини (функцияларини) нотўғри тушуниш;
- таълим жараёнида унинг ролини асоссиз кўтариб юбориш;
- текшириш ва баҳолашнинг дарсда асосий мақсадга айланиб қолиши;
- билимларни текшириш ва баҳолашда бир хил технологиядан фойдаланиш;
- баҳоларни қўйишда субъективизмга йўл қўйиш ва аниқ, асосланган мезонларнинг йўқлиги;
- ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашда бу жараённи назорат қилувчи, таълим-тарбия берувчи муҳим функцияни бажаришини унутмаслик керак.

Ўқитувчилар билимини баҳолашда энг жиддий хатолардан яна бири турли гуруҳларига субъектив ёндашишдир. Бу ўқитувчи томонидан айтилган бир жавоб учун, айтилган бир иш учун турли ўқувчиларни баҳолашдаги тафовутларда акс этади. Тафовутлар баъзан икки баллгача тушади. Йиллар ўтиши билан ўқитувчидан ўқувчиларнинг турли гуруҳларига нисбатан муайян тасаввур ва унга мувофиқ ҳолда муносабат шаклланиб боради. Бу нарса ўзлаштирган ва ўзлаштирмаган ўқувчиларга муносабатда ёрқин намоён бўлади. Ўқитувчилар бир хил ўқувчи (ўзлаштираётган)ларни доим мақтайдилар, бошқа (ўзлаштирмаётган)ларни ҳамиша қийинайдилар. Бунинг устига ўзлаштирмаётганларга, одатда, ўзлаштирган синфдошларига нисбатан тез-тез ва қаттиқ танбеҳ берадилар. Янглиш муносабат яна шунда намоён бўладики, ўқитувчилар яхши ўзлаштирувчиларга нисбатан ёмон ўзлаштирувчи

ўқувчиларни жавоб беришга кам таклиф этадилар. Жавобни ўйлаш учун уларга жуда оз вақт берадилар.

Оддий кузатишлар шуни кўрсатдики, бундай вазиятлар кўп кузатилади, яъни булар ўқувчи-ўқитувчи ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Табиийки педагогнинг асаб тизимига ҳам таъсир қилади.

Масалан: доска ёнида паст ўзлаштирадиган ўқувчи жавоб бермоқда. Ишончсиз, ўринсиз гапирмоқда. Бундай ҳолатда ўқитувчининг муносабати қандай бўлади? У ўқувчи гапини шартта бўлиб, унга “икки” қўяди ва жойига ўтқизади: “Сен яна дарс тайёрламабсан”, “Сен ҳеч одам бўлмайсан”, “Сенга ўргатса ҳам, ўргатмаса ҳам бефойда экан”, деб уни изза қилади.

Ёхуд буни акси бўлган ҳолат. Доска олдида яхши ўзлаштирувчи ўқувчи бугунги дарсга тайёрланмай келиб, ишончсиз ҳолда жавоб беряпти. Ўқитувчи бундай вазиятда ўзини қандай тутаяди?

У ўқувчига ёрдам бериб, камчилигини тўлдиради ёки унга жавобни ўйлаши учун имкон беради. Кўриниб турибдики, бу икки вазиятда ўқитувчи қаршисида яхши ва ёмон ўзлаштирувчи бола турганига қараб, ўзини турлича тутаяпти. Ҳар хил болага бундай муносабат олдиндан вужудга келган тасаввурнинг намоён бўлиши ҳисобланади. Келтирилган мисолда субъектив муносабат намоён бўлади. Ўқитувчининг бундай муносабати эса мактаб баҳосининг таълимий, тарбиявий ва рағбатлантирувчи функциясини пасайтиради.

Ибн Сино ўқитувчини мард, софдил ва меҳрибон, болани тарбиялаш методларини, шунингдек, ахлоқ қоидаларини яхши биладиган киши деб тасаввур қилар эди. Ўқитувчи ўқувчининг феъл-атворини ўрганиш, унинг қалбига кириб бориши керак. Ўқувчига айтилган ҳар бир сўз, Ибн Синонинг фикрича, мимика ва имо-ишоралар билан қўшиб олиб бориши зарур. Ибн Синонинг болаларга билим бериш жараёнида ўқитувчи хилма-хил метод ва усулларни қўллаш кераклиги ҳақидаги фикрлари ўша давр учун жуда муҳим ва ўзига хос эди. Фақат шундай қилгандагина у ҳар бир ўқувчининг қизиқишлари

ва истеъдодини аниқлаш ҳамда бўлажак касбини танлашда унга ёрдам бериши мумкин.

Педагог фаолиятида ўқитувчи ва ўқувчи муносабати муҳим ўринни эгаллайди. Кўпчиликнинг фикрича: “ўқитувчи дарс жараёнида каттиққўл, дарсдан ташқарида эса дўстона муносабатда бўлиши керак”. Замонавий педагогик технологияларга кўра ўқитувчи дарсда ноанъанавий бошқарув усулларидан фойдаланиши керак. Дарсда турли инновацион технологиялардан оқилона фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда ўқувчининг дарсга бўлган қизиқиши ортади, педагог ҳам толиқмайди. Афсуски, анъанавийликка асосланган дарслар хали хануз бор. Доимий бир хиллик зеркиш билан биргаликда руҳий зўриқишга ҳам сабаб бўлади. Маълумки ҳар бир касаллик зўриқишдан келиб чиқади. Яна бошқа сабаблардан бири докторга ўз вақтида мурожаат қилмасликдир. Касалликнинг илк босқичидаёқ даволаш йўллари изланса, ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Шу ўринда педагогларда кўп учрайдиган касалликларни батафсил ёритмоқчиман.

Касбий зўриқиш жараёни ҳар доим ҳам кузатилавермайди. Зўриқиш ҳолати асосан ўз касбини севмаган, кўп асабийлашадиган, керакли материаллар етишмайдиган педагогларда учрайди. Натижада қуйидаги касалликлар ривожланиши мумкин.

Ўқувчилар билан тўғри муносабатни ўрната олмаслик, дарс учун керакли материалларни топа олмаслик натижасида кўп асабийлашиш жараёнлари кузатилади. Яъни стресснинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Нурв толаларининг шикастланишига олиб келади. Нерв толалари эса жуда нозик тола бўлиб, уларнинг қайта тикланиши камдан-кам ҳолларда учрайди. Шу сабабдан педагог ҳодим руҳий барқарорликни асрашга ҳаракат қилиши керак. Шунингдек ўқитувчи ўзини паст баҳоласа, бошқалардан ўзини камситса стресснинг бошланишига сабаб бўлади. Ўқитувчи дарслардан сўнг дам олиши лозим. Ҳар ўқув йилининг сўнгида таътилда табиат қўйнида ором олса мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, педагогнинг иши нутқ билан боғлиқ. Ўқитувчи бир кунда 5-6 соат дарс ўтса, у дарс давомида бир неча минг сўзларни ишлатади. “Ўқувчиларнинг ўқитувчи нутқини яхши идрок этиши учун ўқитувчи товуш, сўзларни аниқ ва ифодали талаффуз этиши керак. Товуш, бўғин ва сўзларни тўғри талаффуз этишда овоз аппарати: лаблар, тил, тиш, жағлар, танглай, кичик тил халқум, овоз пайлари қатнашади. Нутқдаги органик камчиликларни жарроҳлик ва логопедик услублар билан бартараф этиш мумкин”¹. Кўп сўзлаш, баланд овозда доимий равишда гапириш натижасида ларингит, фарингит каби томоқ яллиғланиш касалликлари келиб чиқади. Овоз пайлари шикастланади. Ўз вақтида муолажа қилинса юқоридаги касалликлар бартараф этилади.

Шунингдек, ўқитувчиларда кам ҳаракатлик ҳолатларини кўп учратиш мумкин. Албатта жисмоний тарбия ўқитувчилари бундан мустасно. Асосан ўқитувчилар ўтирган ҳолда дарс ўтадилар.

Яъни ҳаракатланиш кам бўлади, таянч ҳаракатланиш системасида қотиб қолишлар кузатилиб гиподиналияга сабабчи бўлади. Ёки тузлар йиғилишига олиб келади. Жисмоний тарбия ўқитувчиларида эса аксинча бўлади. Кўп йиллик ҳаракат, жисмоний машқлардан бўғимларда оғриқларни ҳосил қилади.

Ўқитувчи билим, тарбия берувчи шахс. У ҳар томонлама шаклланган, ўз касбини севадиган, интилувчан ўқувчиларининг истиқболига ишонадиган бўлиши керак. Ўқитувчи жамиятимизга керакли кадрларни етиштириб беради, мустаҳкам пойдеворни яратади. Ўқувчилар, ҳамкасблар, жамият билан доимий муносабатда бўлади. Иш жараёнида турли тўсиқлар, камчиликларга дуч келади. Шунингдек, баъзи касалликлар, зўриқишлар ҳам учраб туради.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчи ўзини паст баҳоламаслиги, зўриқишларга йўл қўймаслиги, муаммоларни осонлик билан ечишга ҳаракат қилиш керак.

¹ Қосимова З. Педагогик маҳорат асослари – Т.: Фан 2009. – 86 Б, 62-б

II боб. Касбий зўриқиш жараёнини кузатишнинг амалий методологик асослари

2.1 Касбий саломатликнинг касб танлашга боғлиқлиги

Инсон яратилиши, пайдо бўлиши заҳотиёқ илм ва тарбиявий сифатлар унинг яшаши, ҳаёт кечириши учун энг зарурий шарт ва воситалар эканлигини англаб боради. Оламнинг моддий-маънавий тузилиши, қурилиши, унинг ривож, инсоннинг моддий-маънавий яшаш шароити, имкониятлари, унинг ақлий, ахлоқий, жисмоний ҳолати билан узвий боғлиқ. Шунинг учун табиатнинг инсон яшаши, мавжудлиги, бахтиёрлигини таъминлаш имкониятлари, унинг ақлий-ахлоқий, жисмоний ривож, ўсишига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Табиатдаги, жамиятдаги муаммолар инсониятни маънавий-ақлий ривожланишига йўналтириб унга ўзининг янги-янги хазиналарини очиб бераверади.

“Инсоншунослик фанлари тизимида педагогиканинг тутган ўрни шу билан белгиланадики, у шахсни ривожлантириш, шакллантириш, тарбиялаш, маълумотли қилиш ва ўқитиши қонуниятлари борасида тадқиқот ишларини олиб боради”¹.

Шахс турли омиллар таъсирида шаклланади. Катта ёшлилар турли воситалар ва усуллар орқали маълум мақсадни кўзлаган ҳолда ўз тарбияланувчиларида маълум хислатларни ҳосил қилиш ва ривожлантиришни хоҳлайдилар. Инсон маълум бир мақсадга эришишида таълим муҳим жараён ҳисобланади. Таълим ўз даражаси ва вазифасига қараб мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълими ва Олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимдан иборат бўлиб, улар узлуксиз таълим тизимини ташкил қилади. Келажакдаги ихтисослигидан қатъий назар, ҳар бир киши учун билим кўникма ва малакаларни умумий ўрта таълим

¹ Ғайбуллаев Н.Р. ва б.лар Педагогика. – Т., 2005. – 176 Б, 9-б.

мактабларда беради. Касб эгаллаш учун зарур билим кўникма ва малакаларни олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига қарашли ўқув юртларида оладилар.

Ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги фаолияти орқали ёшлар илмий билимлар билан қуролланади. Бунинг натижасида уларни ижодий қобилиятлари ҳар томонлама шаклланади. Ўқувчиларда бирон-бир касбга бўлган қизиқиш, иштиёқ пайдо бўла бошлайди. Касбни тўғри танлашда мактабларда “касбга йўналтириш” фанларининг тўғри ўтилиши аҳамиятга моликдир. Ушбу фанда барча фанлар ҳақида маълумот берилмоғи керак. Лекин, кузатишларга қараганда дарс шунчаки юзаки тушунтирилиб берилади. Ўқувчиларда касблар ҳақида етарли маълумотлар шаклланмайди. Натижада, кўпчилик ёшлар ота-онасининг гапи билан ёки дўстларининг юзаки маслаҳатлари билан касб танлайдилар.

Маълумотларга қараганда дунёда уч мингдан ортиқ касб турлари мавжуд. Уларнинг ҳар бири инсонга масъулият юклайди. Уларни шакллантириш, шу соҳада янгиликлар яратиш эса шу касб эгаларига боғлиқ. Ҳозирги даврда инсонлар ўз манфаатларини ўйлаган ҳолда касб танламоқдалар, тезда бойиб кетадиган касбларни афзал кўрмоқдалар. Бу албатта ачинарли ҳолатдир. Киши касб танлар экан, ўз манфаати билан биргаликда жамият манфаатини ўйламоғи лозим.

Касб танлаш жиддий ва масъулиятли ишдир. Ўз ҳаёт йўлларини жиддий суръатда белгилаб бориш жиддий масала. Ёшларни касбга йўналтиришда ота-оналар ҳам манфаатдор. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг ота-оналари билан алоқа бўлиши лозим.

Фан ва техника тараққиёти мутахассисликка нисбатан юксак талаблар қўймоқда. Бу ҳол ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш, унга ўргатиш йўл ва воситаларини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Касбга нисбатан қизиқишни вужудга келтириш ўқувчининг педагогик фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Меҳнат таълимини турмуш билан боғлаш, уйғунлаштириш, ўқувчиларнинг индивидуал – типологик, ёш давлари хусусиятлари, техник қобилиятлари, интеллектуал даражалари ва

имкониятларини ҳисобга олиш ижобий самара беради. Чунки ҳар бир касб-хунар шахсдан ифодавий зўр беришни, ақлий жиддийликни, чидам ва сабр-тоқатни талаб қилади. Барча қийинчилик ва синовларга бардош бера оладиган йигит – қизларгина мазкур танланган касбга нисбатан яроғли деб топилади. Меҳнат таълими худди ана шунинг амалий томонини ўзида акс эттириш имкониятига эга. Таълимни оқилона, оптимал йўл билан ташкил қилиш ва олиб бориш турли ёшдаги мактаб ўқувчиларида меҳнатга онгли муносабатни таркиб топтириб, касб-хунарга нисбатан қизиқиш ҳиссини уйғотади.

Меҳнатдаги мувоффақиятларни ҳис қилиш ёшларда воқеяликка эстетик ёндашишни ҳаётдаги ва санъатдаги гўзалликни тушунишни ўстириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ёшларнинг меҳнатдан оладиган қувончи, уларда гўзалликни кўриш, тушуниш ва ҳис қилиш кўникмасини ривожлантириш учун ҳаётда гўзаллик яратишга интилишни таркиб топтириш учун зарур бўлган манбалардан бири.

Ўқитувчилик касби ҳар бир ёш педагогдан масъулият талаб қилади. Ёш педагоглар таълим бериш билан биргаликда тарбия ҳам берадилар. Ўқувчиларнинг истиқболи порлоқ бўлиши учун ҳаракат қиладилар. Ибн Сино ўқитувчининг шахсияти қандай бўлиши кераклиги ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган:

- болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиши;
- бериладиган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;
- таълимда турли усул ва шакллардан фойдаланиш; талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш;
- фанга қизиқтира олиш;
- берилган билимларнинг энг муҳимини ажратиб ўқитиш;
- билимларни талабаларнинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;
- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш.

Ўқитувчилар ҳақида Ғарб педагоглари ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Жумладан, Дистерверг: “Яхши ўқитувчи ўзининг тарбия принципларидан ҳеч қачон қайтмайди. Ўқитувчи ўз устида доимо мустақил ишлаши лозим. Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб қўя қолади, яхши ўқитувчи эса болаларга ҳақиқатни топишга ўргатади”¹. Ўқитувчи доимий изланишда бўлиши билан биргаликда касбини ривожлантириб бориши ҳам лозим. Ўқитувчининг касбий шаклланиш жараёнида мактаб раҳбарияти, айниқса, илмий мудир ҳамда педагогик жамоатчилик катта роль ўйнайди. Ёш ўқитувчиларга тажрибали ўқитувчиларни бириктириб қўйиш, уларнинг дарсларини кузатиш, услубий ишларга жалб этиш, мактаб раҳбариятининг асосий вазифаларидан бири.

Ўқитувчи ўз касбини секин-аста ўзлаштириб бориши билан бирга ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғиб этади.

Шу йўл орқали ҳам касбий шаклланиши такомиллашиб боради. Педагогик маҳоратни эгаллаш, мактаб жамоасига киришиб, ўз ўрнини топиб кета олиши ёш ўқитувчининг ўзига ҳам боғлиқ. Жамоанинг ёрдамидан юз ўгирмаслик, қийинчиликларга дуч кеганда руҳан тушмай, ўз хатоларини кўра билиш ва уни бартараф этиш учун ҳаракат қилиш унинг ўқитувчи бўлиб шаклланишидан дарак беради.

Шу билан бирга, ўқитувчининг касбий шаклланиши ўз-ўзини тарбиялаб боришга, ўз устида тинмай ишлашга ва ўз вақтида малакасини ошириб боришга узвий боғлиқ. Баларнинг ҳаммаси касбий фазилатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўқитувчи дарс жараёнида бошқарув усулларида тўғри фойдалана олиши керак. Яъни, керакли ўринларда авторитар, либерал ва демократик усуллардан қўллаш мақсадга мувофиқдир. Замонавий педагогик технологияга кўра кўпроқ демократик усулдан фойдаланиш, ижобий натижаларга эришишга ёрдам беради. Демократик усул ва педагогик технологиялар ўқитувчиларни дунёқарашини кенгайтиради, пассив ўқувчиларни активлаштиради, изланишга

¹ Зиёмухаммадов Б. Педагогик маҳорат асослари. – Т., 2009. 179-Б, 131-б

ўргатади, мустақил фикрлашга чорлайди. Ҳамда ўқувчилар билан биргаликда ўқитувчи ҳам ўз устида ишлайди, изланади.

Тўғри танланган касб инсон фаолиятида ютуқларни олиб келади. Касбий фаолиятда турли даражадаги қийинчиликлар ҳам учраб туради. Ҳар хил муносабатларга турлича таъсир қилади. Муносабатларга таъсирини қуйидагича ажратиб чиқиш мумкин:

1. Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабат.
2. Ўқитувчилик касби ва оилавий муносабатлар.

Дарс ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятдан иборат.

Ўқитувчи 45 дақиқа давомида ўқувчи билан муносабатда бўлади. Ўқитувчи мавзунини ўтиш билан биргаликда мавзуга педагогик технологиялардан ҳам фойдаланиши керак.

Маълумки, ўқувчи 20 дақиқа давомида маърузани тинглаши мумкин. Кейинги 20-25 дақиқа давомида у зерика бошлайди. Натижада бошқа нарсаларга чалғийди. Дарсга бўлган эътибори сўнади. Маълумотларни қабул қилмайди. Бундай ҳолат ўқитувчиларга ёқмайди ва кичик бир огоҳлантиришдан сўнг келишмовчиликлар келиб чиқа бошлайди.

Булар ўқувчи ва ўқитувчи муносабатига салбий таъсир қилади. Баъзи ҳолларда ўқувчида ўша дарс ўқитувчисига нисбатан салбий фикр пайдо бўлади ва дарсга бўлган қизиқиш йўқолади. Бундай вазиятлар ўқитувчининг саломатлигига ҳам таъсир қилади.

Мисол учун қуйидаги вазиятни олиш мумкин. Мактабда “Ўзбекистон тарихи” дарси бошланди дейлик. Ўқитувчи мавзунини доскага ёзиб, маъруза қила бошлайди. Ўқувчилар 20 дақиқа диққат билан маърузани тинглайдилар. Кейин эса зерика бошлайдилар. Айниқса, орқа парталарда ўтирган болалар ўқитувчим барибир кўрмайди деб, гаплашиб ўтираверадилар ёки бекорчи нарсалар билан шуғулланиб ўтирадилар. Албатта, ўқитувчига бу ҳолат ёқмайди ва уларни огоҳлантиради, тартибга чақиради. Ўсмирлик ёшидаги болалар тартибсизроқ бўладилар. Шу сабабдан битта огоҳлантириш билан ўқувчилар кифояланмайдилар.

Юқоридаги вазиятлар бир кунда неча маротаба такрорланади. Турли синфларда, турли ёшлиларда бу вазиятлар кузатилади. Ўқувчида аввалига ҳиссий зўриқиш, бир неча маротаба такрорланавергач асабий ҳолатлар, узок муддатли бош оғриғи, қон босимининг кўтарилиши кузатилади. Асабий ўқитувчи эса ўқувчиларга ҳам яхши муомала қила олмайди. Ўқувчиларга асабий, ёмон муомала қиладиган ўқитувчи ёқмайди. Ўзаро муносабатларда номутаносиблик келиб чиқади.

Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари

ЎҚИТУВЧИ → ЎҚУВЧИ → ЎҚИТУВЧИ

ТАШҚИ МУҲИТ → ИЧКИ МУҲИТ

УСТОЗ → ШОГИРД

2.1-расм. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари

Оила – муқаддас даргоҳ. Вояга етган икки жинснинг севилиши, ардоқлаш, ҳурмат қилиш асосида, ихтиёрий равишда, қалб хоҳиши билан тузилган қонуний иттифоқи – оила деб аталади. Оила жамиятнинг бир бўлаги, кичик бир жамиятдир. Жамиятда оиланинг ижтимоий муҳофазаси, оилада ёшлар тарбияси асосий ўринда туради. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: “Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас деб билган. Оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Оила фаровонлиги – миллий фаровонлик асосидир”.¹

Оилавий тарбия ижтимоий тарбия билан узвий алоқада бўлсагина ўсиб келаётган ёш авлод фаровонлигини таъминлаш мумкин. Оила тарбиясидаги ютуқлар ота-оналарга педагогик билимлар бериш, оилавий тарбия бўйича тажрибалар алмашиши, ота-оналарни тарбиявий ишларга қизғин жалб қилишга ҳам боғлиқдир.

Оилада фарзанд тарбияси билан биргаликда эр ва хотин ўртасида ўзаро бурчлари, ҳуқуқлари бўлади. Эркак ва аёл бир-бирини ҳурмат қилиши ва ардоқлаши керак. “Қуш уясида кўрганини қилади” дейдилар. Ота-она муносабати фарзанд учун ўрнак ҳисобланади. Улар бир-бирларига ҳурмат билан қарасалар, бола ҳам шуни ўрганади. Агарда буни акси бўлса, болада оилага нисбатан салбий муносабат шакллана бошлайди.

Инсон ўз касбини ўз истаги билан танласа, касбини севса муаммолар унга қийинчилик туғдирмайди.

Инсон ҳаётида иш ўз ўрнига, оила ўз ўрнига эга бўлиши керак. Оилавий муаммоларни ишга, ишдаги муаммоларни оилага аралаштирмаслик лозим. Педагогларда ишдан сўнг зўриқиш, чарчоқ ҳолатлари кузатилади. Баъзи педагоглар ишда асабийлашиб, уйга қайтганларида ҳам ўша асабий ҳолатдан чиқиб кета олмайдилар.

¹ Ёдгоров Р., Ғайбуллаев Н. Педагогика – Т., 2005. 176-Б, 90-б

Кунлик асабий ҳолатлар, кайфиятнинг яхши бўлмаслиги оилавий муносабатларга ўз таъсирини кўрсатади. Нафақат педагог, балки бошқа касб эгаларида ҳам шундай ҳолатлар кузатилади.

Педагог кун давомида ўқувчилар, ҳамкасблари билан муносабатда бўлади. Иш жараёнида кичик асаб бузарликлар учраб туради. Ишдаги муаммоларни ишда, оиладаги муаммоларни оилада қолдириш керак. Ишдан кайфиятсиз, асабий ҳолатда қайтган она ёки ота уйдагиларнинг кайфиятига ҳам таъсир кўрсатади. Эр ва хотин муносабатларига салбий таъсир этади.

Ўз касбини севган, ўз хоҳиши билан касбини танлаган кишиларда юқоридаги вазиятлар деярли кузатилмайди. Чунки касбини севган киши марок билан ишлайди. Қийин вазиятлардан бемалол чиқиб кета олади касби бўйича янгиликлар яратади.

Юқоридаги вазиятларни ҳисобга олган ҳолда 274-мактаб ўқитувчилари ўртасида анкета-сўровнома ўтказилди.

Тадқиқот ёш педагоглар ва ёши катталар ўртасида ўтказилди. Тадқиқот педагогларнинг ўз касбларини қанчалик севишлари, ардоқлашларини аниқлаб беради.

Сиз касбингизни севасизми?

1. Касблар ҳақида тўлиқ маълумотга эгамисиз?
2. Касб танлашда кимлар (ота-она, дўстлар) билан маслаҳатлашгансиз?
3. Танлаган касбингиз сизни қониқтирадими?
4. Касбингизга боғлиқ янгиликларни кузатиб борасизми?
5. Сизни танқид қилишса тўғри қабул қила оласизми?
6. Ҳамкасбларингиз билан муносабатга тез кириша оласизми?
7. Бошқа йўналишдаги иш таклиф қилишса, касбингизни ўзгартирармидингиз?
8. Касбингизни замонавий касб деб ҳисоблайсизми?
9. Касбингиздан кутган натижаларга эришаяпсизми?
10. Келажакда касбингизда янгилик яратишни хоҳлармидингиз?
11. Қандай касалликлар сизни безовта қилади?
12. Кайфиятингиз кўпроқ қандай ҳолатда бўлади?
13. Танлаган касбингизни ижобий томонларини айтинг.
14. Касбингизни салбий жиҳатларини ёзинг.
15. Касбингиз оилавий муносабатларингизга таъсир қиладими?
16. Қийин вазиятларда қандай йўл тутасиз?
17. Ҳамкасбларингиз сиз учун ҳамфикр бўла оладими?
18. Иш жараёнида асабий ҳолатдан чиқиб кета оласизми?
19. Дарс ўтишда анъанавийлик тарафдоримисиз?
20. Иш жойингизда бошлиғингизга итоатқормисиз? (яъни вазифа буюрганда)

1. Педагогика соҳаси ҳақида тўлиқ маълумотга эгаман, бошқа касблар ҳақида қисман биламан.
2. Ота-онам билан маслаҳатлашганман.
3. Ҳа қониқтиради.
4. Албатта кузатиб бораман.
5. Ҳа қабул қила оламан.
6. Ҳа кириша оламан.
7. Йўқ ўзгартирмайман.
8. Ҳа.
9. Ҳа.
10. Ҳа.
11. Фақат толиқиш.
12. Нормал ҳолатда
13. Болалар билан муносабатда бўламан, юқори поғоналарга эриша оламан.
14. Салбий жиҳатлари йўқ.
15. Йўқ.
16. Ҳамкасбимдан ёрдам сўрайман.
17. 60% ўқитувчилар ҳамфикр.
18. Ҳа.
19. Йўқ.
20. Йўқ.
21. Баъзи ҳолларда ўз фикримни ҳам билдириб тураман.

Исроилова К. ИИИБДЎ

1. Ҳа тўлиқ маълумотга эгаман.
2. Ота-онам билан маслаҳатлашганман.
3. Ҳа қониқтиради.
4. Ҳа кузатаман.
5. Ҳа
6. Ҳа кириша оламан.
7. Йўқ.
8. Йўқ.
9. Ҳа.
- 10.Йўқ.
- 11.Фақат чарчоқ ва аллергия.
- 12.Нормал ҳолатда.
- 13.Касбим бадиий завқ бағишлайди.
- 14.Салбий жиҳати фақат кейинчалик кўз толиқишга олиб келиши мумкин.
- 15.Йўқ.
- 16.Вазиятдан чиқиб кетишга ҳаракат қиламан.
- 17.Ҳа.
- 18.Ҳа.
- 19.Йўқ.
- 20.Ҳа.

Мансурова С. Тасвирий санъат ўқитувчиси.

1. Қисман мълумотга эгаман.
2. Дўстим билан маслаҳатлашганман.
3. Ҳа қониқтиради.
4. Ҳа.
5. Ҳар доим ҳам эмас.
6. Ҳа.
7. Йўқ.
8. Ҳа.
9. Ҳа.
10. Ҳа.
11. Ҳеч қандай.
12. Нормал ҳолатда.
13. Доимий ҳаракат – саломатлик гарови.
14. Салбий жиҳатлари йўқ.
15. Йўқ.
16. Ҳамкасбимдан ёрдам сўрайман.
17. Ҳа.
18. Ҳа.
19. Йўқ.
20. Ҳа.

Жўраева С.Жисмоний тарбия ўқитувчиси.

1. Ҳа тўлиқ маълумотга эгаман.
2. Ота-онам билан маслаҳатлашганман.
3. Ҳа.
4. Албатта.
5. Ҳа.
6. Ҳа.
7. Йўқ.
8. Ҳа.
9. Ҳа эришяпман.
10. Ҳа хоҳлайман.
11. Ҳиссий толиқиш.
12. Нормал.
13. Болалар билан мароқли ишлайман.
14. Салбий томони йўқ.
15. Йўқ.
16. Муаммони ечиш йўлини излайман.
17. Ҳа кўп ҳолларда.
18. Ҳа.
19. Йўқ.
20. Ҳа.

Абдиева Д.Бошланғич синф ўқитувчиси.

1. Қисман маълумотга эгаман.
2. Ота-онам билан маслаҳатлашганман.
3. Ҳа.
4. Ҳа.
5. Кўп ҳолларда йўқ.
6. Ҳа.
7. Йўқ.
8. Йўқ.
9. Ҳа.
- 10.Йўқ.
- 11.Касалликлар безовта қилмайди.
- 12.Нормал ҳолатда.
- 13.Болалар билан ишлаш.
- 14.Салбий жиҳатлари йўқ.
- 15.Йўқ.
- 16.Ҳамкасбимдан ёрдам сўрайман.
- 17.Ҳа.
- 18.Ҳа.
- 19.Ҳа.
- 20.Ҳа.

1. Йўқ.
2. Ўзим танлаганман.
3. Ҳа.
4. Баъзан.
5. Йўқ.
6. Ҳа.
7. Йўқ ўзгартирмайман.
8. Йўқ.
9. Ҳа эришдим.
- 10.Йўқ.
- 11.Баъзи ҳолларда бош оғриғи.
- 12.Баъзан нормал, баъзан асабий.
- 13.Севган касбимда ишлайман.
- 14.Салбий жиҳатлари йўқ.
- 15.Йўқ.
- 16.Вазиятдан чиқиб кетишга ҳаракат қиламан.
- 17.Ҳар доим ҳам эмас.
- 18.Ҳа ҳаракат қиламан.
- 19.Ҳа.
- 20.Ҳа.


Миробидова Д. Тарих ўқитувчиси.

Анкета – сўровномадан шу нарсa аниқландики, ўқитувчилар ўз касбларини севадилар. Уни ардоқлайдилар. Фақат, ёш педагоглар кўпроқ изланувчанликлари, янгилик яратишга иштиёқлари борлиги аниқланди. Ёши катта педагогларда эса бунинг акси.

Улар анъанавийлик тарафдорларидирлар.

Сиз касбингизни севасизми?

(схема)



60 % - изланувчан педагоглар

40 % - анъанавийлик тарафдорлари

Педагог касбий зўриқишни олдини олиш учун қуйидагиларга амал қилиши керак:

“Биринчи: педагогик фаолиятни ўзига касб қилиб олиш ҳар бир киши ўқитаётган ўқувчи ва талабаларини чин дилидан севиши керак. Уларга ўзида бор бўлган билимни бериш у ёқда турсин, жонини ҳам беришга тайёр бўлиши лозим. Шунда устоз ота-онадай улуғ бўлади. Бола қалб эшигини фақат севган кишига оча олади. Билим эгаллаш руҳ (қалб) ҳаракати орқали амалга ошганлиги туфайли, боланинг руҳи ишга тушишлиги ва қалби сиз учун очилиши учун, сиз уни ўз фарзандингиз каби севишингиз лозим. Боланинг қалби сизга ва сизнинг билимингизга нисбатан берк бўлса, сиз берган билимларни у қабул қилмайди. Масъулиятни сезиб ёки кўрққанидан берган билимларингизни ўзини зўрлаб туриб ёд олиб, айтиб бериши мумкин. Бироқ, ёд олинган билим мустаҳкам бўлмай, хотирадан тез чиқиб кетади. Билим хотирада мустаҳкам ўрнашиши учун, бола шу билимни бераётган устозини севиши, жуда бўлмаганда қаттиқ ҳурмат қилиши лозим. Фақат сиз уни севсангиз, у сизни сева олади. Болалар жуда сезгир бўладилар. Бироқ, бу ҳолда муаммолар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Устозини чин дилидан севган бола, туйғусини яшира олмай ота-онасига устозини ҳадеб мактаганида, баъзи тафаккури паст ота-оналар боласини устозига ғаш кўриб, болани устозидан, имчунин, унинг берган билимидан совита бошлайдилар. Ва оқибатда мақсадларига етиб, боланинг умуман мактабдан совиб кетишига сабаб бўладилар. Бошқа муаммолар ҳам чиқиши мумкин. Ўқитувчиликни ўзига касб қилган киши бу йўлда учрайдиган барча муаммоларни усталик билан мардонавор енгиб, болаларни севишни давом эттириши лозим ва аксинча, бунинг уддасидан чиқа олмаса мутахассислигини ўзгартириши керак бўлади.

Таълим-тарбиядаги **иккинчи қонуният**, инчунин, билим беришнинг иккинчи қонидаси. Ўқитувчи дарсга киришдан олдин, дарсдан кўзланган мақсадни, шу мақсадга етишиш жараёнида бериладиган билимлар мажмуини, билим беришда қўлланиладиган дидактика тамойилларини педагогик усул ва услубларини ҳамда ўқитувчига кўмак бўладиган ахборот узатиш техника ва

технологияларини тўлиқ кўз олдига келтириб, уларни яхши ўзлаштириб олган бўлиши шарт. Бу мураккаб вазифани, юқорида кўрганимиздек, педагогик технология тамойиллари асосида тузилган дарс лойиҳаси бажара олади, холос. “Ҳар йили, ҳар бир дарсга лойиҳа тузиш учун вақт қаёқда?” деманг. Лойиҳа бир маротаба яхши тузилган бўлса, кўп йилга етади. Фақат унинг матн мазмунига ҳар йили бир оз ўагартириш киритишингиз мумкин. Бир-икки йил кўпроқ меҳнат қилиб, ҳамма дарсларнинг лойиҳасини тузиб олсангиз, бир умр қийналмайсиз. Акс ҳолда, дарс бераман деб, бутун умрингиз азобда ўтиши мумкин.

Учинчи қоида, дарс лойиҳасини тузаётганда ёки тайёр лойиҳадан фойдаланаётганда, фақат ва фақат мажмулар назариясидан келиб чиқувчи таълим-тарбия жараёнида учрайдига нарса ва ҳодисаларга, мажму сифатида ёндашишга ҳаракат қилинг. Улар — дарснинг ўзи, дарс жараёни, дарсда бериладиган билимлар ёки дарсда қўлланиладиган усул ҳамда услублар ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Нима бўлишидан қатъи назар, уларга мажму сифатида ёндашиш керак бўлади. Шунда дарс жараёни осон кечади, ўзингиз ҳам, талабалар ҳам қийналмайсиз. Шунда дарс юқори даражада самарали ўтади. Бутун борлиққа мажму сифатида ёндашиш тамойили ХХІ аср кишининг фикр юритиш тартибидир. Бундан орқада қолиш керак эмас.

Тўртинчи қоида. Билим берганда юз фоиз дидактика тамойилларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш талаб қилинади. Шу кунга келиб, Ўзбекистон ҳудудида таълим-тарбия жараёнида амал қилиниши лозим бўлган қуйидаги дидактика тамойиллари қабул қилинган: онглилик ва фаоллик; кўргазмалилик; тизимлилик ва мунтазамлилик; мустаҳкамлик; тушунарлилик; илмийлик; назария ва амалиёт бирлиги. Бу етти тамойил ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо этади. Педагогик амалиётда буларнинг барчасига бирдай амал қилишлик талаб қилинади.

Бешинчи қоида. Дидактика тамойилларидан келиб чиқиб дарс ўтишлик бу методологик асоснинг бир қисмига амал қилишлик ҳисобланади. Методологик асоснинг иккинчи қисмига амал қилиш деганда, шу фандан, шу

дарсдан, ҳар бир ҳаракатингиздан кутилаётган мақсадларнинг асосий кўрсаткичларига ориентир олишликдир. Яъни, ҳар бир қиладиган ҳаракатингиз натижаси таълим-тарбия жараёни якунида кутилаётган мақсадлар кўрсаткичлари билан мос тушиши шарт. Ҳар бир ўқитувчи ва педагогнинг мақсади болани комиллик томон етаклаш. Комил инсон кўрсаткичлари юқорида берилган.

Олтинчи қоида. Ўқитувчи ва педагогларнинг бошқа одамлардан фарқи, улар айтадиган ҳар бир сўзнинг том маъносини ўзлари яхши билишлари шартлигида. Акс ҳолда, талабалар ва бошқа одамлар олдида уялиб, обрўйи тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бунинг учун ўқитувчилар, ушбу китобда берилган фалсафа ва педагогиканинг махсус тушунчаларини тўлиқ ўзлаштириб олишлари ва улардан эркин фойдалана олишлари лозим. Ундан ташқари, ҳар қандай ўқитувчи ва педагог, ҳаётда учрайдиган ўзига янги бўлиб туюлган атама ва тушунчаларнинг том маъносини билиб олсин. Бунинг учун, алоҳида умумий дафтарни атамалар луғати қилиб қўйса бўлади. Шунда у маънавиятли ўқитувчи мақомига эга бўлади.

Еттинчи қоида. Ҳеч қачон ва ҳеч бир вазиятда ўқитувчи ўзининг руҳий мувозанатини йўқотмаслиги, асабини бузмаслиги, босиқ бўлиши, очик бўлиши, ҳеч бир ҳолатда ёлғон сўзламаслиги шарт. Бунинг интеграллашган ягона йўли ўқувчи ва талабаларини севиш. Севган кишисидан одам ҳеч вақт ўпкаламайди, ундан ҳеч қачон жаҳли чиқмайди, доим унга кулиб қараб, унга кўзи тушганда дарров ҳушёр тортиб қолади. Севган одамга киши ёлғон гапира олмайди, унга ҳеч қачон ёмонлик истамайди”¹.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек: “Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим учун аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак”.

¹ Зиёмуҳаммадов Б. Педагогик маҳорат асослари. – Т., 2009. – 183 Б, 180-182 б.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи фаолиятига, унинг касбий нуфузини оширишга боғлиқдир. Шундай экан., соғлом ўқитувчи, ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш, узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогнинг савиясига, тайёргарлигига ва фидоийлигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир. Ўқитувчи жамиятнинг топшириғини бажаради, шундай экан, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлашда ўқитувчи муайян ижтимоий-сиёсий, педагогик ва шахсий талабларга жавоб бериши лозим. “Ўқитувчи мустақиллик ғоясига эътиқоди, ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккури, касбига тегишли маълумоти, яъни ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик мулоқот устаси, педагогик – психологик ва услубий билим ва малакаларни эгаллаган бўлиши ҳамда турли педагогик вазиятларни тезда сезиши, ўрганиши, баҳолай олиши керак”¹.

Тарихдан маълумки, тарбия пайдо бўлган вақтдан бери педагогик фаолияти узлуксиз давом этиб келмоқда. Ўқитувчилик шарафли ҳамда масъулиятли талаб қилувчи мураккаб касбдир. Шу сабабдан ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнига, касб танлашдаги муаммоларга эътибор берилмоқда. Таъкидлаш жоизки ўз касбини севган, ўзи хоҳлаб танлаган касб эгаси ишдаги қийинчиликларни осонлик билан енгади. Шунинг учун ўқувчи-ёшларни касбга тўғри йўналтириш, уларнинг қайси касбга лаёқатлари, қизиқишлари борлигини аниқлаш муҳимдир. Мисол учун, 9-синфлар ўртасида “касб танлаш” мавзусида тадқиқот ўтказилди.

¹ Ғайбуллаев Н.Р. ва б.лар. Педагогика. – Т., 2005. 176-Б, 160-б.

Касб танлаш бўйича қизиқишга оид тадқиқот

1. Биология.
2. География.
3. Геология.
4. Тиббиёт.
5. Енгил ва озиқ-овқат саноати.
6. Физика.
7. Химия.
8. Техника.
9. Электротехника ва ридиотехника.
- 10.Металлга ишлов бериш.
- 11.Ёғочга ишлов бериш.
- 12.Қурилиш.
- 13.Транспорт.
- 14.Авиация, денгизчилик.
- 15.Ҳарбий соҳалар.
- 16.Тарих.
- 17.Адабиёт.
- 18.Журналистлик.
- 19.Ижтимоий фаолият.
- 20.Педагогика.
- 21.Хуқуқ, юриспруденция.
- 22.Хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ.
- 23.Математика.
- 24.Эканомика – Иқтисодиёт.
- 25.Чет тиллар – хорижий тиллар.
- 26.Тасвирий санъат.
- 27.Саҳна санъати.
- 28.Муסיқа.

29. Жисмоний тарбия ва спорт.

Қизиқувчанлик харитаси

Севасизми? Ёқадими? Хохлайсизми?

1. Ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаёти билан танишиш.
2. География дарслари, география китобларини ўқиш.
3. Геологик тадқиқотларга оид бадиий ёки илмий адабиётларни ўқиш.
4. Одам анатомияси ва физиологиясига оид дарслар ва дарсликлар.
5. Уй-рўзгор юмушларига оид дарслар ва уй вазифалари.
6. Физик ихтиролар ҳақидаги илмий адабиётларни ўқиш: буюк физикларнинг ҳаёт фаолияти ҳақидаги.
7. Кимёвий ихтиролар ва машҳур кимёгарларнинг ҳаёти фаолияти ҳақидаги адабиётларни ўқиш.
8. Техникага оид журналларни ўқиш (масалан: “Ёшлар техникаси”)
9. Электроника ва радиотехника соҳасидаги эришилган ютуқлар ҳақида машҳур илмий мақолаларни ўқиш.
10. Ҳар хил металллар ва уларнинг хоссалари билан танишиш.
11. Ёғочларнинг турлари ва уларни амалиётда қўллашни ўрганиш.
12. Қурилиш соҳасидаги ютуқларни ўрганиш.
13. Китоблар ўқиш, турли транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ҳақидаги фильмларни кўриш.
14. Китоб ўқиш, ўқувчилар ва космонавтлар ҳақидаги фильмни кўриш.
15. Ҳарбий техника билан танишиш.
16. Тарихий воқеалар ҳақида китоб ўқиш.
17. Ҳорижий ва ўзбек мумтоз адабиётни ўқиш.
18. Газета ва журналлардаги мақолаларни ўқиш ва муҳокама қилиш.
19. Мактабдаги ёки синфдаги воқеа-ходисаларни муҳокама қилиш.
20. Мактаб ҳаёти ҳақидаги китобларни ўқиш (тарбиячи, педагог иши ҳақида).
21. Китоблар ўқиш, милиционерлар фаолияти ҳақида кино кўриш.

22. Ўқиётган, ишлаётган, яшаётган жойингизнинг чиройига эътибор бериш.
23. “Қизиқарли математика” каби китобларни ўқиш.
24. Иқтисодий географияни ўрганиш.
25. Хорижий тилларни ўрганиш.
26. Тасвирий санъатнинг ривожланиш тарихи ва рассомлар билан танишиш.
27. Таниқли сахна ва кино усталари билан танишиш, артистлар билан учрашиш, расмларини йиғиш.
28. Таниқли мусиқачилар ҳаёти ва фаолияти билан танишиш.
29. Спорт журналларини ўқиш, спортчиларга қизиқиш.
30. Зоология, биология, ботаникани ўрганиш.
31. Турли мамлакатларнинг географияси билан танишиш.
32. Геолог олимларнинг фаолияти ҳақида ўқиш.
33. Одам касалликлар билан курашишни ўрганганликлари, врачлар, тиббиёт ютуқлари ҳақида ўқиш.
34. Енгил саноат корхоналарига экскурсияга бориш.
35. “Қизиқарли физика”, “Физиклар ҳазиллашадилар” каби китобларни ўқиш.
36. Кимёвий ҳодисаларни табиатдан топиш, тажрибалар ўтказиш.
37. Техниканинг янги ютуқлари билан танишиш, радио ва телекўрсатувларни кўриш, мақолалар ўқиш.
38. Радиотехника тўғрақларига қатнаш ёки электрик фаолияти билан танишиш.
39. Металга ишлов бериш асбоблари билан танишиш ва улар билан ишлаш.
40. Ёғочдан либеллар тайёрланишини кузатиб бориш.
41. Қурувчилар билан учрашиш, уларнинг ишини кузатиш.
42. Ҳаракат воситалари ҳақидаги адабиётларни ўқиш.
43. Денгизчилар ҳақида китоб ўқиш, кино кўриш.
44. Ҳарбий мавзудаги китоб ўқиш, кино кўриш.
45. Мамлакатдаги ва хориждаги сиёсий воқеаларни муҳокама қилиш.
46. Адабий танқидчилик мақолаларини ўқиш.

- 47.Мавзуий ва телеахборотларни кўриш, радио тинглаш.
- 48.Шаҳарда, мамлакатда, республикадаги воқеаларни билиш.
- 49.Уй вазифаларини бажаришда дўстларга ёрдам бериш.
- 50.Дўстнинг қилмишини ёки агар қаҳрамонини ҳаққоний муҳокама қилиш.
- 51.Оилани маҳсулотлар билан таъминлаш, саёҳат вақтида барчани озуқа билан таъминлаш.
- 52.Математикадаги ютуқлар ва таниқли математика олимлари фаолияти ҳақидаги китобларни ўқиш.
- 53.Халқ хўжалиги билан қизиқиш.
- 54.Бадий адабиётларни чет тилларда ўқиш.
- 55.Таҳририят аъзоси бўлиш, газетанинг бадий беағи билан шуғулланиш.
- 56.Драма ёки ёш томошабинлар театрига бориш.
- 57.Опера ёки симфоник мусиқаларни тинглаш.
- 58.Спорт тўғаракларига қатнаш, спорт кўрсатувларини кўриш.
- 59.Биология тўғаракларига қатнаш.
- 60.География тўғаракларига қатнаш.
- 61.Ернинг минералларнинг тузилиши ҳақида маълумотлар йиғиш.
- 62.Одам организмнинг функцияларини, касалликларни ва даволаш усулларини ўрганиш.
- 63.Пазандалик тўғаракларига бориш, тушлик тайёрлаш.
- 64.Физикадан тажрибалар ўтказиш.
- 65.Аралашма тайёрлаш, реактивларни ўлчаш.
- 66.Турли механизмларни тузатиш (соат, дазмол).
- 67.Ўлчов асбобларидан фойдаланиш (осциллограф, амперметр).
- 68.Металлдан турли нарсалар ясаш.
- 69.Ёғочдан турли буюмларни ясаш.
- 70.Қурилиш эскизларини чизиш.
- 71.Темирйўлчилар ва автомобильчилар тўғаракларига қатнаш.
- 72.Парашютчи тўғарагига қатнаш.
- 73.Мерганлик билан шуғулланиш.

74. Турли давлат ва халқларнинг пайдо бўлиш тарихини ўрганиш.
75. Адабиёт фанидан синфда ва уйда иншо ёзиш.
76. Бошқа инсонларнинг ҳаётини, хулқ-атворини кузатиш.
77. Жамоатчилик ишларини бажариш, дўстларни бирон ишга бирлаштириш.
78. Кичкина болалар билан вақтни ўтказиш, уларга китоблар ўқиш.
79. Тенгдошлар ва ёш болалар ўртасида тартибни ўрнатиш.
80. Сотувчи, ошпазнинг иш жараёнини кузатиш.
81. Математика тўғарагида шуғулланиш.
82. Саноатнинг ривожланиши, ютуқлари, режалари ҳақида ўрганиш.
83. Чет тиллар луғатлари билан ишлаш.
84. Музейларга бориш, бадиий кўргазмаларни томоша қилиш.
85. Саҳнада томошабинлар олдида чиқиш.
86. Мусиқа асбобларидан бирини чалиш.
87. Спорт ўйинларини ўйнаш.
88. Ҳайвонлар, ўқимликларнинг ривожланишини кузатиш.
89. Географик хариталар тузиш, географик материалларни йиғиш.
90. Минералларни тўплаш, геология музейига экспонатлар йиғиш.
91. Врач, хамшира ва бошқа тиббиёт ходимларининг иши билан танишиш.
92. Тикувчилик тўғарагига қатнаш, кийимлар тикиш.
93. Физика тўғарагида шуғулланиш.
94. Кимё тўғарагида шуғулланиш.
95. Техник тўғаракларга қатнаш.
96. Электроасбоблар, электроаппаратлар, электр машиналар билан танишиш, радио аппаратлар тўплаш.
97. Чилангарлик устахоналарида шуғулланиш.
98. “Моҳир қўллар”, тўғарагида иштирок этиш.
99. Қурилиш жойларига бориш, иш фаолиятини кузатиш.
100. Пиёдалар ва транспортларнинг қоидаларга риоя этишини кузатиш.
101. Эшкакчилар, парусчилар, қутқарувчилар секциясида иштирок этиш.
102. Ҳарбий ўйинларда иштирок этиш.

103. Тарих музейларига бориш, маданият ёдгорликлари билан танишиш.
104. Адабиёт тўғаракларига қатнаш, адабиётдан факультатив дарсларга бориш.
105. Халқаро ҳолатлар ҳақида синфда маълумот бериш.
106. Шахсий кундалик юритиш.
107. Синф сардори бўлиш.
108. Инсонлар яширмоқчи бўлган ҳолатларини сабабини аниқлаш.
109. Дўконда харидорга ёрдамлашиш.
110. Математикадан қийин масалаларни ечиш.
111. Ўзининг сарф-харажатларини ҳисобини аниқ юритиш.
112. Чет тиллар тўғарагига қатнашиш.
113. Бадиий тўғаракга қатнашиш.
114. Бадиий ҳаваскорлик кўригида қатнашиш.
115. Хорда куйлаш ёки мусиқа тўғарагида қатнашиш.
116. Спорт секциясида шуғулланиш.
117. Биология олимпиядаларида иштирок этиш.
118. Географик саёҳатларда иштирок этиш.
119. Геологик саёҳатларда иштирок этиш.
120. Беморларга қараш, ёрдам бериш.
121. Қандолатчилик ва пазандачилик кўрик танловида иштирок этиш.
122. Физика олимпиядаларида иштирок этиш.
123. Кимёвий масалаларни ечиш, олимпиядаларда иштирок этиш.
124. Техник чизмалар ва схемаларни чизиш.
125. Радиосхемаларни тушуниш.
126. Саноат корхоналарига экскурсия уюштириш, янги станоклар билан танишиш.
127. Ёғочдан бирон-бир нарсa яшаш.
128. Қурилиш ишларида ёрдамлашиш.
129. Транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш ва уларни тузатишда иштирок этиш.

130. Ёрдам кўрсатиш самалётларида учиш ёки юқори тезликдаги самалётларни бошқариш.
131. Қаттиқ ўрнатилган тартибда яшаш, кун тартибига риоя қилиш.
132. Тарих тўғаракларида иштирок этиш, тарих ҳақида материаллар тўплаш.
133. Адабиёт манбалари билан ишлаш, улар ҳақида ёзиб бориш.
134. Китобхонлар конференцияларида иштирок этиш.
135. Мажлис уюштириш ёки ўтказиш.
136. Тарбияси оғирлар билан ишлаш, тарбия ҳақида суҳбатлашиш.
137. Милиция ҳодимларига ёрдамлашиш.
138. Доим ҳар хил инсонлар билан суҳбатлашиш.
139. Математика олимпияларида иштирок этиш.
140. Товарларнинг нархи билан қизиқиш, иш ҳаққи, меҳнат ташкилотлари билан танишиш.
141. Дўстлар билан ҳорижий тилда суҳбатлашиш.
142. Тасвирий санъат кўргазмасида иштирок этиш.
143. Театр тўғаракларига бориш.
144. Театр конкурсларида иштирок этиш.
145. Спорт мусобақаларида иштирок этиш.
146. Боғда ўсимликлар ўстириш, ҳайвонларни тарбиялаш.
147. Топографик суратга олиш.
148. Узоқ қийин саёҳатларга бориш, берилган вазифа бўйича ишлаш.
149. Касалхонада, поликлиникада ёки дорихонада ишлаш.
150. Озиқ-овқат ёки енгил саноат корхоналарида ишлаш.
151. Кимёвий қийин масалаларни ишлаш.
152. Кимёвий ишлаб чиқаришда ишлаш.
153. Техник ижодкорлик кўргазмаларида иштирок этиш.
154. Электроэнергетика ва радиоэлектроника соҳасида ишлаш.
155. Станок олдида ишлаш, турли деталлар билан ишлаш.
156. Чизмалар бўйича ишларни бажариш.
157. Қурувчилар бригадасида ишлаш.

158. Йўловчилар ёки юклар ташиш, йўл қоидаларига риоя қилиш.
159. Ёмон об-ҳавода очиқ денгизда ишлаш.
160. Ҳарбий инженер бўлиш.
161. Ватанимизнинг тарихий жойларига саёҳат уюштириш.
162. Ҳикоялар, шеърлар ёзиш.
163. Деворий газеталарга мақолалар ёзиш.
164. Десонтлар бригадасини бошқариш.
165. Болаларга ўйинлар, тадбирлар уюштириш.
166. Хуқуқшунослик муассасаларида ишлаш (прокуратура, адвокатура).
167. Инсонларга катта ва кичик ёрдам кўрсатиш.
168. Математик билимларни талаб қилувчи ишларни бажариш.
169. Халқ хўжаликларида режалаштириш, молиялаштириш ва иқтисодиёт соҳаларида ишлаш.
170. Чет тиллар олимпиядаларида, конкурсларида иштирок этиш.
171. Саҳнада ёки кинода чиқиш.
172. Муסיқачи бўлиш ёки мусиқадан дарс бериш.
173. Жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиш.

1	+	+	-	-	-	-	2 Б
2	-	-	-	+	-	-	1 Б
3	-	+	+	+	+	+	5 Б
4	-	+	-	+	+	+	4 Б
5	-	-	-	-	-	-	-
6	-	-	-	-	-	-	-
7	-	+	-	-	-	-	1 Б
8	-	-	-	-	-	-	-
9	-	-	-	-	-	-	-
10	-	-	+	-	+	-	2 Б
11	-	-	-	-	-	-	-
12	-	-	+	+	-	-	2 Б
13	-	+	+	+	+	+	5 Б
14	-	-	+	-	-	-	1 Б
15	-	-	-	+	+	-	2 Б
16	-	-	-	-	+	-	1 Б
17	-	-	+	+	-	-	2 Б
18	-	+	+	-	-	-	2 Б
19	+	+	+	+	+	-	5 Б
20	-	-	-	-	-	-	-
21	-	-	-	-	-	-	-
22	-	-	-	-	-	-	-
23	-	+	+	-	+	+	4 Б
24	-	-	-	-	-	-	-
25	+	-	-	-	-	-	1 Б
26	-	+	-	-	-	-	1 Б
27	-	-	-	-	-	-	-
28	-	-	+	+	+	+	4 Б
29	-	-	-	-	-	-	-
9-“А” синф ўқувчиси: Абдуллаев А. Геология Транспорт Ижт.фаолият							

КАСБ ТАНЛАШ

1	+	-	+	-	-	-	2 Б
2	+	-	-	+	+	-	3 Б
3	-	-	-	-	-	-	-
4	-	-	-	+	-	-	1 Б
5	-	+	-	+	-	-	2 Б
6	-	-	-	-	-	-	-
7	-	-	+	+	+	-	3 Б
8	-	+	-	+	-	+	4 Б
9	-	-	-	-	-	-	-
10	+	-	+	-	-	-	2 Б
11	-	-	-	-	-	-	-
12	-	+	-	-	-	-	1 Б
13	-	-	-	-	-	-	-
14	-	-	-	-	-	-	-
15	-	-	+	+	-	-	2 Б
16	-	-	-	-	-	-	-
17	+	-	+	-	+	-	3 Б
18	-	-	-	+	+	-	2 Б
19	-	-	-	+	-	+	2 Б
20	+	+	-	+	+	+	5 Б
21	-	-	+	-	-	-	1 Б
22	-	-	+	-	+	-	2 Б
23	-	-	-	-	-	-	-
24	+	+	+	-	-	-	3 Б
25	-	-	+	-	-	-	1 Б
26	-	-	-	+	+	-	2 Б
27	-	-	-	-	-	-	-
28	-	+	+	+	+	+	5 Б
29	-	-	-	-	-	-	-

9-“А” синф ўқувчиси: Акромов Н. Педагогика
Музыка

КАСБ ТАҢЛАШ

1	-	+	-	+	-	-	2 Б
2	-	-	-	-	-	-	-
3	-	-	+	-	-	-	1Б
4	+	+	-	+	+	+	5 Б
5	-	-	-	-	-	-	-
6	+	-	-	-	-	+	2 Б
7	-	-	-	-	-	-	-
8	-	+	-	+	-	-	2 Б
9	-	-	-	+	-	-	1 Б
10	-	+	+	-	+	-	3 Б
11	-	-	-	-	-	-	-
12	-	-	-	-	-	-	-
13	-	+	-	+	-	-	2 Б
14	-	-	-	-	-	-	-
15	-	+	-	+	+	-	3 Б
16	-	-	-	-	-	-	-
17	-	+	-	-	-	-	1 Б
18	-	+	+	+	+	+	5 Б
19	-	-	+	+	-	-	2 Б
20	-	+	-	+	-	-	2 Б
21	-	-	-	-	-	-	-
22	+	+	-	-	-	-	2 Б
23	-	+	-	-	-	-	1 Б
24	-	-	-	-	-	-	-
25	+	-	-	-	-	+	2 Б
26	-	-	-	-	-	-	-
27	-	-	+	-	-	-	1 Б
28	-	-	-	+	+	-	2 Б
29	-	-	-	-	-	-	-

9-“Б” синф ўқувчиси: Маликова Ш. Тиббиёт
Журналист

Тадқиқот натижаларига кўра ўқувчиларда касбга қизиқишлари кучли. Фақат, 60 % ўқувчи касб танлаш бўйича аниқ мақсадга эгалар, қолган 40 % ўқувчиларнинг аниқ бир касбга қизиқишлари йўқ. Натижаларни яхшилаш учун ўқувчилар билан кўпроқ ишлаш, қизиқишларига йўналтириш лозим.

2.2 Тўғри ва самарали иш жараёнини яратиш

Ўқитувчилик катта санъатдир. Баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида гап борар экан, бу ғоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани фақат малакали педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи кадрлар билан амалга ошириш мумкин. Ўқитувчилик санъатига ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун ўқитувчилик касбига, яъни соғлом авлоднинг чинакам мураббий бўлишга ҳаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий-сиёсий савиясини, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошира боровчи, мустақиллик ғояси ва мафкураси билан пухта қуроллантирган, ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар кишиларгина эриша оладилар.

Ҳар бир ўқитувчидан изланиш ва ижодий меҳнат талаб қилинади. Ўқитувчи ўз устида ишлаши, ўз касбини ривожлантириб бориши, яъни бир қолипда тўхтаб қолмаслиги керак. “Таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи талабалар ўртасида ўзаро жонли тил, фикр олишув, самимий муносабат, ҳурмат, асосий мақсадга эришишда ҳамкорлик лозим. Мазмуни саёз, саёз, амалий тажрибадан, турмушдан ажралиб қолган, умумий сўз ва қуруқ насиҳатгўйликдан иборат бўлган, расмий учун юзаки ўтказиладиган дарс маъруза ва бошқа ўқув машғулотлари ўқувчи талабаларни қизиқтирмайди, уларни илмий, оявий жиҳатдан етарли озиқлантирмайди. Шундай экан, ўқув машғулотларини шундай ташкил этиш керакки, унинг таъсирида талабаларда шу фанга нисбатан турли қарашлар, илмий тафаккур ва эътиқодлар вужудга келиш ва шаклланиши даркор”¹.

¹ Ғайбуллаев Н.Р. ва б.лар. Педагогика. – Т., 2005 176-Б, 163-б.

Таълим ва тарбия жараёнининг таъсири, самарали бўлиши ўқитувчининг илмий салоҳиятига, ёшлар олдидаги обрўсига, шахсий сифатларига, ўқувчи талабалар билан ўрнатилган дўстона муносабатига боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари И.Каримов давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзлаган нутқида “Бировни ўқитадиган, тарбия қиладиган инсон аввало ўзи ҳар томонлама баркамол бўлмоғи шарт”. Замон талаблари шуки, профессор ва ўқитувчилар ўзларида мавжуд бўлган билим ва савия билан чекланиб қолмай, хорижий мамлакатлар тажрибасини қунт билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабаларига сабоқ беришлари зарурлигини алоҳида таъкидлайди”¹.

Педагогик фаолиятнинг самараси ҳақида гапирилар экан, ўқитувчининг педагогик қобилияти қай даража шаклланганлигига эътибор қаратиш даркор. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади дейди М.Очилов. у қуйидаги қобилият турларини тавсия этади:

1. Билиш қобилияти.
2. Тушунтира олиш қобилияти.
3. Кузатувчанлик қобилияти.
4. Нутқ қобилияти.
5. Обрў орттира олиш қобилияти.
6. Муомала қила билиш қобилияти.

Узлуксиз таълимда дарс ва маърузаларни мукамал ташкил қилиш ўқитувчининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Юқори савияда ўтилган мавзулар ёшлар онгида узоқ сақланади, уларнинг иймони, эътиқоди ва мафкураларининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатади. Шу сабабли, ўқитувчининг илмий савияси ўз бурчига муносабати, ёшларга мураббийлик иштиёқи, педагогик маҳорати, дастлаб дарс ва маърузаларда кўринади.

Таълимнинг мазмунли, қизиқарли ва тушунарли бўлиши устоз ва шогирдлар қалбини, руҳини бир-бирига боғлайди, улар ўртасидаги самимиятни мустаҳкамлайди. Ўқитувчи аввало, ўз фанини ва уни ўқитиш усуллари

¹ Ғайбуллаев Н.Р. ва б.лар. Педагогика. – Т., 2005 176-Б, 163-б.

мукаммал ўзлаштириб олиши, ўқитувчи-мураббийга хос маданиятнинг юқорилиги, ўз шогирдларига ҳурмат ва муҳаббат, улар ҳаётига қизиқиш ва руҳий ҳолатларни билиш ва тушуниш, босиқлик, ҳис-туйғуларини бошқара олишлари, ташқи кўриниши, кийиниш маданиятига эътибор беришлари, нутқ маданиятининг юқорилиги, жамоат ишларида фаолликлари, айниқса, омма ўртасида илмий-маърифий ва маънавий-маданий ишлар тарғиботчилари бўлишлари лозим. Шунда, мамлакатимизнинг келажаги бўлган ўқувчи ёшларимиз ўз мураббийларини номини зўр эҳтиром ва чуқур миннатдорчилик билан тилга оладилар.

Педагогик фаолият муваффақиятли кечиши учун ўқитувчида ўз касбига лаёқат бўлиши керак. Лаёқатлилик педагогик меҳнатни муваффақиятли бажаришга қодир бўлишдир. Ушбу касбнинг ижтимоий роли ва заруриятини яққол тасаввур қила олишда педагогликка лаёқат кўринади. Ҳамда ўқитувчи ўқувчига ўз фаолиятининг объекти сифатида қизиқиб қараши, унинг эҳтиёж ва хусусиятларини тушуна билиши лозим.

Бундан ташқари ўқитувчи таълим жараёнида ҳар бир ўқувчи талабанинг билими, тарбияланганлик даражаси ва руҳиятини аниқлай олиши, ўқув материалларини тўғри танлай билиши, таҳлил қила олиши ва умумлаштира билиши педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим усуллари, воситалари ва шакллари мукаммал билиш, ўқувчига нисбатан талабчан бўлиш педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиш, таълим натижаларини дастлабки ва кейинги кўрсаткичлар билан таққослаш, таҳлил қилиш ва хулосалаш кабилар.

Агар юқоридагиларга ҳар бир ўқитувчи риоя қилмаса таълим жараёнида турли муаммолар, ўқувчилар, билан конфликтлар, турли педагогик вазиятлар келиб чиқа бошлайди. Шунинг учун ўқитувчи узоқ вақт давомида муваффақиятли иш юритиши учун қуйидагиларга амал қилиши лозим:

- ўз касбини севиш;
- педагогик маҳорат ва қобилиятга эга бўлиш;
- ўзини тўғри баҳолай олиш;

- ўз вақтида дам олиш;
- бир хилликдан қочиш;
- ўқувчиларни қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда дарс ўтиш.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз” мавзусидаги “Туркистон” газетаси мухбирларининг саволларига жавоблари (1999 йил 3 феврал) биз учун дастуриламал бўлади. Уларга бир назар солайлик:

“Туркистон” газетаси мухбирининг саволи:

“Яхши биласизки, мустақил тараққиёт йўли оқ поёндоз тўшалган равон йўл эмас. Бу йўлда ўзига хос паст-баландликлар, тўсиқ ва қийинчиликлар, мураккабликлар бўлиши табиий. Сизнингча, Ўзбекистоннинг етти йиллик истиқлол тарихидан келиб чиқадиган асосий сабоқ ва хулосалар нималардан иборат?”.

Президентимиз И.А.Каримовнинг жавоблари:

“Биринчи сабоқ шундан иборатки, янги тизимга ўтиш кўпчилик ўйлагандан ҳам мураккаб жараён экан.

- Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало, тарихни яхши билиш, ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак.
- Адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор.
- Миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга.
- Биз инсонлар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқлик, балки биз инсонларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз”.¹

Президентимизнинг ўринли сабоқлари педагоглар учун йўлланмадир. Таълим жараёнида адолатли бўлиш катта аҳамиятга эгадир. Ўқитувчи ва ўқувчининг муносабатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан адолатли бўлишга боғлиқ.

¹ Ғайбуллаев Н.Р. ва б.лар. Педагогика. – Т., 2005 176-Б, 46-б.

Адолатли бўлиш, дарсда ўқувчиларни тўғри баҳолаш, яъни субъективизмга йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитувчи дарсда диққатини тенг тақсимлай олмаса, ўқувчиларни ўзига жалб эта олмаса, самарали натижаларга эриша олмайди. Шу сабабдан, ўқитувчи ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини билиши, ёшга боғлиқ хусусиятлар, қизиқиш, характер, педагогик маҳоратга эга бўлиши, педагогик қобилият эгаси бўлиши керакдир.

Қобилиятли ўқитувчи дарсда интелектуал ўйинларни, кўргазмали воситалардан фойдалана олиши лозим. Булар ўқувчиларни дарсга қизиқтиради. Аммо ҳар доим, ҳар бир дарсда интрактив ўйинлардан фойдаланавермаслик керак. Бу ўқувчиларда илмий дунёқарашини сусайтиради, ўқитувчи ҳам бир ҳилликка ўрганиб қолади. Демак, ноанъанавий дарс билан анъанавий дарснинг мутаносиблигига эътибор қаратиш керак.

Синфни бошқаришда керакли ўринларда авторитар, демократик усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагиларга амал қилинса, тўғри ва самарали иш жараёни яратилади.

Хулоса ва тавсиялар

Ушбу битирув малакавий ишида педагогларнинг фаолияти, иш жараёнида кузатиладиган ютуқ ва камчиликлар, касбий касалликлар ҳақида сўз юритилган. Аниқроғи, педагогик фаолиятга оид барча фикр ва мулоҳазалар муайян тизимга солиб ифодаланган. Керакли ўринларда Шарқ ва Ғарб алломаларининг қимматли фикрларидан, Президентимиз сўзлаган нутқларидан фойдаланилган. Ҳар бир мавзуда ўқитувчи-педагогларимиз фаолиятида учрайдиган муаммолар ва уларнинг ечимлари, маслаҳатлар баён этилган.

Педагогик фаолият мураккаб жараён бўлиб, у кишидан масъулиятни талаб қилади. Педагог доимий ўқитувчилар билан мулоқотда бўлади, уларга билим беради, таълим бериш билан биргаликда тарбия ҳам бериб боради. Тарбия, педагогик фаолият қадимий жараён. Фақат даврлар давомида ушбу фаолият мураккаблашиб, ривожланиб келмоқда. Педагогик жараён масъулият талаб этар экан, унда ютуқлар билан биргаликда муаммолар ҳам учраб туради. Муаммолар ўз навбатида иш жараёнида камчиликларни юзага чиқаради. Масалан, дидактик материалларнинг етишмаслиги, педагогик муҳитга мослаша олмаслик ва ҳоказолар. Буларнинг натижасида турли зўриқишлар келиб чиқа бошлайди, жисмоний, манавий, ҳиссий зўриқиш кабилар. Зўриқишлар ва касалликлар ривожланиб кетмаслиги учун иш жараёнини тўғри режалаштириш ўз касбини севиш керак.

Битирув малакавий иши 2 боб, 4 параграф, хулоса ва иловаларни ўз ичига олади. Биринчи боб педагогларда зўриқиш жараёнини келиб чиқишини, иш жараёнидаги муаммоларни ифодалайди. Иккинчи бобда эса зўриқиш олдини олиш, самарали ва фойдали фаолиятни яратиш ҳақида сўз юритилган. Мақсад кейинчалик ёш педагогларда зўриқиш, касбий касалликларни камайтириш.

Битирув малакавий ишини ёзишда 274-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари билан тадқиқот ўтказилди. Бунда анкета-сўровнома усулидан фойдаланилди. Анкета-сўровнома усули ишни ёритишда катта аҳамиятга эга бўлди. Сўровнома орқали ўқитувчилар ўз касбларини қанчалик севишлари, интилувчанликлари

аниқланди. Ўқувчиларнинг касбий қизиқувчанликлари аниқланди. Сўровнома ўтказилиб, керакли мақсадга эришилди.

Мавзудан келиб чиққан ҳолда вазифалар қўйилиб, унга кўра иш юритилди. Яъни, касбий муаммоларни ҳал қилиш бўллари, муаммоларнинг муносабатларга таъсири, иш жараёнида келиб чиқадиган касалликлар ҳамда уларни камайтириш йўллари, тавсиялар батафсил ёритилди.

Маълумки ўқитувчиларнинг ўрни бекиёсдир. Ўқитувчилар ёш авлодни тарбиялаб, жамиятимизга керакли етук кадрларни тайёрлаб беради. Баркамоллик даражасига етишишда педагоглариимизнинг меҳнатлари катта аҳамиятга эга. Шундай экан, уларни ардоқлашимиз, тўғри муносабатда бўлишимиз керак. Ўқитувчиларнинг муносабатлари педагогларнинг касбий саломатликларига ўз таъсирини ўтказади. Яъни, ёки салбий ёки ижобий натижаларга эришилади. Бу ҳолат айниқса энди иш бошлаган ёш педагогларга кучли таъсир ўтказади. Масалан, ўқитувчилар билан дўстона муносабатни ўрната олмаслик, материалларнинг етишмаслиги, педагогик муҳитга мослаша олмаслик, баъзиларнинг ишдан, касбларидан узоқлашишларига олиб келади. Ёки зўриқиш бошланади, интилувчанлик, қизиқувчанлик, инноваторлик йўқолади.

Ўқитувчи – зиё нуруни тарқатувчи шахс. Унинг маънавий, жисмоний, руҳий жиҳатдан баркамол бўлиши ўқувчи шахсига ижобий таъсир этади. Ўқитувчи ўзининг одоби, маданияти билан ўқувчисига ўрнатиб бўлади. Ҳамда ўқувчиларининг келажагига ишонган ҳолда уларга таълим-тарбия беради.

Иш жараёнидаги барқарор ҳолат ҳар қандай салбий нарсаларни олдини олади. Шу ўринда педагоглар учун бир неча тавсияларни бериб ўтиш ўринли деб билдим.

Тавсиялар

1. Дарсларни ўз вақтида бошлаб, ўз вақтида тугатиш керак.
2. Дарс ўтишда ортиқча ҳиссиётга берилмаслик лозим.
3. Педагог ўзини тўғри баҳолай олиши керак.
4. Монотонликдан қочиш.
5. Анъанавий ва замонавий дарс мутаносиблигига эришиш.
6. Ўқувчиларга ўрнатилган бўлиш, ёлғиз сўзламаслик.
7. Иш жараёни → ҳордик → иш жараёни схема бўйича фаолият юритиш.

Фойдаланишдан адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 1992
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. – Т., 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. – Т., 1997.
4. Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг концепцияси.
5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т., 1994.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., 1995.
7. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида. – Т., 1997.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011.
11. Кайковус. Қобуснома. – Т., 1994.
12. Педагогика. (Т.А.Ильина таҳрири остида). Қўлланма. – М.1984.
13. Педагогика. Курс лекции. – М., 1984.
14. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т., 1990.
15. Мунавваров А. Педагогика. – Т., 1996.
16. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. – Т., 1996.
17. Очилов И. Университетлар тизимида педагог ходимлар тайёрлаш муаммолари. “Таълим тарбия журналы”. 6-сон. – Т., 1997.
18. Ўзбек педагогикаси тарихи (қўлланма). Проф. А.Зуннунов таҳрири остида. – Т., 1997.
19. Юсупов Э. Маънавият асослари. – Т., 1998.
20. Ўзбек педагогикаси антологияси. (1,2 жилдлар). – Т., 1999.
21. Ғайбуллаев Н.Р. Педагогика. Олий таълим муассасалари учун ўқув дастури. – Т., 2000.

22. Ғайбуллаев Н.Р. ва бошқалар. Педагогика. (маърузалар матни). – Т., Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. 2000.
23. Маллаев О. Янги педагогик технологиялар. – Т., 2000.
24. Зиёмуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. – Т., 2000.
25. Фарберман Б. Янги педагогик технологиялар. – Т., 2001.
26. Каримова В. Мустақил фикрлаш. – Т., 2001.
27. Мавлонов Р., Тўраева О. Педагогика. – Т., 2002.
28. Толипов Ў., Усмонов М. Педагогик технология: назария ва амалиёт – Т., 2005.
29. Педагогика. Олий ўқув юртлари учун қўлланма. – Т., 2005.
30. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогика технологияларнинг тадбикий асослари. Ўқув қўлланма. – Т., 2006.
31. Ғозиев Э. Умумий психология. – Т., 2008.
32. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т., 2008.
33. Иванов П., Зуфарова И. Умумий психология. – Т., 2008.
34. Қосимова З. Х. Педагогика маҳорат асослари (ўқув-методик тавсиялар). – Т., 2009.
35. Зиёмуҳаммадов Б. Педагогик маҳорат асослари. – Т., 2009.

Журналлар

36. Мактаб ва ҳаёт. 4-сон. – Т. 2010.
37. Мактаб ва ҳаёт. 1-сон. – Т. 2011.
38. Мактаб ва ҳаёт. 2-сон. – Т. 2011.

Интернет сайтлари

39. www.ziynet.uz
40. www.ref.uz
41. www.pedagogika.uz
42. www.psixolog.uz
43. www.yandex.ru
44. www.google.ru

ГЛОССАРИЙ

1. Гиподинамия – кам ҳаракат натижасида келиб чиқадиган касаллик.
2. Дикция – талаффуз, талаффузнинг аниқ-равшанлик даражаси.
3. Жамоа – умумий ижтимоий, маънавий мақсадлари ва ҳамкорликдаги фаолиятлари, улар учун ютуқларга элтувчи одамлар гуруҳи.
4. Инновация – ўқитувчи ва ўқувчиларни ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишда таълим-тарбия бериш шакллари, янги мақсад ва мазмунни жорий этиш.
5. Концепция – муайян фикрлар, қарашлар, тамойиллар мажмуи.
6. Кузатиш – аниқ материал олиш учун қандайдир педагогик воқеликка, мақсадга мувофиқ қаратилган эътибор.
7. Конфликт – қарама-қарши манфаат, қарашларнинг ўткир баҳси, қизиқишларнинг тўқнашуви.
8. Кўникма – ўрганиш натижасида қўлга киритилган, беихтиёр, автоматик тарзда бажариладиган ҳаракат.
9. Малака – шахснинг ўзи эгаллаган билимлари асосида уларнинг янги шароитда янгиликлари билан бирга, маълум бир фаолиятни самарали бажариш қобилияти.
10. Метод – табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш усули.
11. Монотон – бир оҳангдаги, бир овозли.
12. Педагог – тарбиячи, ўқитувчи, дарс берувчи.

13. Педагогик техника – ҳар бир таълим олувчига педагогик таъсир ўтказишда самарали қўллаш учун зарур бўлган кўникмалар мажмуаси.
14. Педагогик маҳорат – педагогик жараёни билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш.
15. Педагогик одоб – ўқитувчи, тарбиячиларга хос ахлоқ-одоб мажмуаси.
16. Реалистик баҳо – педагогик жамоа, мактаб маъмурияти, ўқувчиларнинг асосли ва самимий баҳолари, муносабатлари маҳсули.
17. Стресс – асабийлашиш натижасида келиб чиқадиган ҳолат, психоэмоционал мувозанатнинг бузилиши.
18. Ташхислаш – бирор-бир воқеа, ҳодисани кузатилган натижаларга кўра хулосалаш.
19. Феномен – фавқулодда учрайдиган ҳодиса; фавқулодда қобилият ёки талант эгаси; ҳис-туйғу тажрибаси билан пайқаладиган тушунча.
20. Экскурсия – табиатга, музейга ва бошқа жойларга саёҳат.

ИЛОВА

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1. II боб. Педагогларда касбий зўриқиш жараёнини ташхислашнинг назарий асослари.....	6
2. 1.1§ Ўқитувчининг жамиятдаги ўрни ва педагогик-психологик тўсиқлар.....	6
3. 1.2§ Педагогик фаолиятда камчиликлар ва ютуқларнинг руҳиятга таъсири.....	18
4. II боб. Касбий зўриқиш жараёнини кузатишнинг амалий методологик асослари.....	28
5. 2.1§ Касбий саломатликнинг касб танлашга боғлиқлиги.....	28
6. 2.2§ Тўғри ва самарали иш жараёнини яратиш.....	61
7. Хулоса.....	66
7. Фойдаланилган адабиётлар.....	69
8. Глоссарий	71
Иловалар.....	73